

Байрамингиз кутлуз бўлсин, мўътабар опа-сингиллар!

O'zingni angla!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2018-yil 7-mart, chorshanba * № 10 (1073) * 1996-yil dekabr dan chiqarib boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.hurriyat.uz

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни Покистон Ислам Республикаси, Швейцария Конфедерацияси, Латвия Республикаси, Исроил Давлати, Германия Федератив Республикаси, Словакия Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Ирфон Юсуф Шомий, Оливье Шав, Михаил Попков, Эдуард Шапира, Гюнтер Оверфельд, Ян Бори ва Цзян Яндан ишонч ёрликларини қабул қилиб олди.

1 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 март куни Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон - Туркменистон ҳукуматларaro қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилиши доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Байрам Аннамедовни қабул қилди.

2 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Пахта ҳам ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори матбуотда чоп этилди.

6 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Милиционер қизнинг пайдо бўлиши машҳур кинодагидек "маҳаллада дув-дув" гап бўлди. Тўғри, ички ишлар органларида хотин-қизларнинг ишлаши ҳозирги кунда ҳеч кимга янгилик эмас. Аммо арслондек профилактика инспекторлари осойишталикни сақлашни зўрга уддалаган Совунгарлик маҳалласида бу вазифага миллиония лейтенант Малика исмли қизнинг келишини ҳеч ким кутмаган эди.

Бунинг боиси, Жиззах вилоятида ички ишлар органлари таркибида хотин-қизлар унчалик кўп эмаслиги. Қолаверса, профилактика инспекторлари орасида қизлар жуда кам.



матига сазовор бўлган ички ишлар ходими, — дейди 35-таъин пункти профилактика катта инспектори, майор Ойбек Дувлонов. — У ўз касбини пухта эгаллагани учун ҳар қандай вазиятда қонунни, тўғри қарор қабул қила олади. Бу бизнинг касбимизда жуда муҳим фазилат. Унинг бошқалардан ажралиб турадиган яна бир муҳим фазилати ўқиб-йўлашни, ўзидан катталарнинг тажрибасини ўрганишдан тўхтамаслигидир. Сафимизга шундай иқтидорли ёш мутахассислар, айниқса, қизлар қўшилиётганидан хурсандимиз.

Бунинг боиси, Жиззах вилоятида ички ишлар органлари таркибида хотин-қизлар унчалик кўп эмаслиги. Қолаверса, профилактика инспекторлари орасида қизлар жуда кам.

I Халқаро матбаа форуми чорлайди

2018 йил 14-15 март кунлари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги "A2 ДИГИТАЛ" масъуляти чекланган жамияти билан ҳамкорликда "Инновацион технологияларнинг янги қирралари" шiori остида мамлакатимизда I Халқаро матбаа форумини ўтказди.

Форумда Америка Қўшма Штатлари, Россия, Германия, Исроил, шунингдек, Марказий Осиё давлатларидан йирик матбаа корхоналарининг вакиллари иштирок этадилар.

Форум доирасида Ўзбекистонда матбаачилик соҳасига татбиқ этилган инновацион технологиялар ва эришилган натижалар, соҳанинг истиқболдаги ривожланиш тенденциялари хусусида назарий ва амалий мулоқотлар, тақдиротлар ва учрашувлар ташкил этилади.

"Инновацион технологияларнинг янги қирралари" I Халқаро матбаа форумида иштирок этиш истагиди бўлганлар интернетдаги — www.ipforum.uz манзили орқали рўйхатдан ўтиши, шунингдек, мазкур форум билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган барча маълумотларга эга бўлиши мумкин.

"Инновацион технологияларнинг янги қирралари" I Халқаро матбаа форумига барча қизилар қатнашмоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

Осойишталик маликаси

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг битирган Малика Саидова Шароф Рашидов тумани ички ишлар бўлимининг 35-таъин пунктида профилактика инспектори бўлиб иш бошлаганига етти ойдан ошди. Бу давр лейтенант қиз ҳудудда осойишталикни таъминлаш, одамлар орасида ўз ўрнини топишни учун етарли бўлди.

Малика дастлаб ишга келган пайтда ҳали тажрибаси кам, бунинг устига қиз бола шаҳар билан туман чорасидаги 4 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган ҳудудда осойишталикни қандай таъминлар экан, деб анча ўйланган эдим, — дейди «Совунгарлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Хидиров. — Аммо маҳалламизда тинчликни таъминлаш бўйича кўрсаткичларимиз олдинги йилларга қараганда яхшиланди. Бу, албатта, профилактика инспекторимиз Малика Саидованинг хизмати туфайли.

Малика тумандаги Қаҳрамон кишлоғида турилиб ўсган. Кишлоқдаги мактабни, сўнг Жиззах шаҳридаги транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежини битирган. Энг катта оқибатини ички ишлар ходими бўлиш эди. Бу оқибатга эришиш учун астойдил ҳаракат қилди. Республика Ички ишлар вазирлиги академиясига кириб, ушбу муваффақиятга эришди.

Ишон ўз касбининг қаттиқ севса, қийинчиликлардан қўрқмас экан, — дейди Малика. — Мен бу касбга болалигимдан жуда қизиққанман. Оқибатга эришдим. Ишоним севман. Хаминша қўлчилар орасидан. Одамларга фойдам текканида ўзини жуда бахтли ҳис этаман. Айниқса, кейинги пайтларда милиция ходимлари билан одамлар орасида бир-бирларига ўзаро ишонч ортаётганидан қувонаман. Бу давлатимиз томонидан ички ишлар хизмати тизимида амалга ошириладиган ислохотларнинг самараси, албатта. Ўтган йилнинг декабрь ойида вилоятимизнинг 200 га яқин профилактика инспектори қаторида автомашина, хизмат уйи олдим. Бу раҳбарликлар касбимга муҳаббатимни янада оширди.

Малика ўз касбининг чинакам фидойиси эканлигини унинг ўтган қисқа даврда ҳудудда осойишталикни таъминлашда эришган яхши натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Туман ички ишлар бўлимининг 35-таъин пункти Жиззахлик, Знекор, Ховостлик ва Совунгарлик маҳаллаларига хизмат кўрсатади. Бу маҳаллалар орасида Маликага бириктирилган Совунгарлик энг осойишта ҳудуд ҳисобланади. Ўтган йили ва жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудда жиноят содир этилмади. Вояга етмаганлар ўртасида ҳукукбузарлик кескин қамайди. Бу яхши натижаларга эришишда профилактика инспекторининг ҳиссаси катта албатта.

Малика ёш бўлишига қарамай, ҳамкасбларининг ҳам, ўзи хизмат қилаётган маҳалла одамларининг ҳам хур-матига сазовор бўлган ички ишлар ходими, — дейди 35-таъин пункти профилактика катта инспектори, майор Ойбек Дувлонов. — У ўз касбини пухта эгаллагани учун ҳар қандай вазиятда қонунни, тўғри қарор қабул қила олади. Бу бизнинг касбимизда жуда муҳим фазилат. Унинг бошқалардан ажралиб турадиган яна бир муҳим фазилати ўқиб-йўлашни, ўзидан катталарнинг тажрибасини ўрганишдан тўхтамаслигидир. Сафимизга шундай иқтидорли ёш мутахассислар, айниқса, қизлар қўшилиётганидан хурсандимиз.

МУНОСАБАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ — етуклик пойдевори

Болаликда берилган билим тошга ўйилган нақш мисоли бир умр онг-шуурда, қалбда сақланиб қолади. Айнан шу сабабли ҳам дунёнинг ривожланган давлатларида мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилади. Шу эътибор туфайли мазкур давлатларда юксалиш юз бергани ҳам муболаға эмас.



тирилмади. Чунончи, 1993 йилгача умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчиси билан мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг меҳнатига деярли бир хилда ҳақ тўланарди. Бироқ кейинчалик мактабгача таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи деярли ўзгаришсиз қолди. Ваҳоланки, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўта масъулиятли ва муҳим вазифани — комил инсонни, шахсни вояга етказишдек мўътабар вазифани адо этади. Натижада МТМда педагогик салоҳият пайиши кузатилди.

Яқин йиллар ичида бево-сита Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан республикамизда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълимни ривожлантириш бора-бора кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Халқимиздек болажон миллат дунёда кам. Таассуф ила айтиш лозимки, маълум бир муддат мактабгача таълим тизимида фаоллият олиб бораётган мутахассис-кадрлар меҳнати муносиб рағбатлан-

Газета —
энг яқин дўст,
маслақдош ва
қимоячи
ҳалидир

Ўқинг, баҳра олинг ва
уни дўстларингизга
ҳам ҳада этинг.
"Hurriyat"да чоп этилган
материаллар билан
www.hurriyat.uz сайти
орқали ҳам
танишингиз
мумкин.



"HURRIYAT"
ГАЗЕТАСИ
СИЗНИНГ
ДОИМИЙ
ҲАМРОҲИНГИЗ
БЎЛИШИГА
ИШОНАМИЗ!

НУҚТАИ НАЗАР ТЎЙ маданиятини билайлик!

Яқинда ОАВда тўй ва маъракаларни ўтказиш юзасидан Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармаси фаолларининг мурожаати эълон қилинди. Унда кейинги пайтларда тўйлар, оилавий тантаналар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларда ортиқча шухратпарастлик, ўз-ўзини кўз-кўз қилиш, минг йиллик урф-одат ва аъёналаримизни, боқий қадриятларимизни оёқости қилиш ҳоллари-га барҳам бериш, тўй ва маросим-



ларни ихчам, жорий этилган диний ҳамда дунёвий қоидалар асосида ўтказиш масаласи илгари сурилди.

Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармаси фаолларининг мурожаати биринчи галда ёшлар, ота-оналар, опа-сингиллар, ўғил-қизларга бўлиб, барчани бир ёқадан бош чиқариб, дин ва одоб-ахлоқ меъзо-ларини асрашга, халқимиз ва юртимиз фаровонлигига ҳисса қўлишига чақирмоқда. Қолаверса, улугларимиз хаминша исрофгар-

чиликка, дабдабаозликка йўл қўймаслик кераклигини ўқитиб келади. Ахир мисқоллаб йиғиб, бир кунда сочиш, сочдан тирноқча қарзга ботиш, оила "бюджети"га пугур етказиш ақлга сиғмайдиган иш. "Миллатимиз тараккиётига тўғаноқ бўладиган икки нарсаси бор, бу — тўй ва азадир" деган эди маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий. Жумладан, "Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқчаларимизни, биз туронийлар илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб овропоийлардек тараққий этармиз ва ўзимизда, динимизда обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирчи ҳолимизда давом этсак, дин ва дунёва зиллат ва мискинлатдан бошқа насибамиз бўлмайди", дея халқни исрофу уволдан қўқиш-га ундаган.

2-бет

ТҒЙ маданиятини билайлик!

Бошланғич
1-бетда

Хом сут эмган бандамиз-да, бугунги кунда тўй харажатларидан ташқари ме-бел, телевизор, музлаткич ва бошқа буюмларга сарфланадиган маблаг манадан деган бойваччанинг ҳам белини синди-риб қўйишни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Исрофгарчилик, дабдабаларни қоралаймиз, бироқ кези келганда ўзимиз ҳам шу "анъана"ни давом эттиравемиз. Қатор-қатор машиналар... фалон пуллик санъ-аткорлар...

Биргина мисол, чакалоқни туғруқхона-дан олиб чиқиш маросими ўйлаб топилган-нига унча қўп бўлгани йўқ. Шифохона-нинг олдида қўша-қўша хориж машинала-ри, қулоғини қоматта келтирадиган кар-най-сурнай, ногорою базм ҳам яқиндан бўён авж олиб кетди. Чакалоқ уйга олиб келинди. Энди қовурдоқ, ақика мароси-ми, бешик тўй... келин чиқаришу, ўғил уйлаш — улардаги исрофгарчиликлар... Биз санаб бермасак ҳам ўзингиз дархол тасаввурингизда жонлангирган бўлишин-гиз табиий.

Яқинда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига ташрифи чо-ғида айни масалага алоҳида тўхталди. Пре-зидентимиз тўйлардаги исрофгарчилик, дабдабозликларни қаттиқ танқид қилиб, фикрларини баён этди ҳамда керакли қўрсатмаларни берди. Тўй маросимлари-ни ўтказиш бўйича Қарор қабул қилини-ши, барча ижро органлари масалага масъ-ул бўлиб, фуқаролар йиғинларида тўй ва маросимларни тартибга солиш учун, шу-

нингдек, маҳалла фаолияти устидан жа-моатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда маҳалла оқсоқоллари ва онахонларидан иборат Жамоатчилик кенгашлари тузиш вазифаси илгари сурилди. Бу, тўй маро-симлари сарф-харажатларининг қамийиши-га, маҳаллаларда тинчлик таъминланиши-га, исрофгарчиликларга барҳам берили-шини таъминлайди.

Бундан аввал ҳам тўй ва маъракалар-даги сарф-харажатларни қисқартириш, ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймас-лик борасида маҳаллий ҳокимиятлар то-монидан қатор қарорлар чиқарилган бўлиб, бироқ ушбу қарорлар ўзини оқла-магани, узок вақтдан бўён давом этиб келаётган ҳўжақўрсинга ишлаш ҳолатла-ри кузатилаётган.

Зотан, айни чоғда ижтимоий ҳаётимиз-нинг энг оғриқли нуқталаридан бири бўлган тўй ва маърака маросимлари дав-лат сиёсати даражасига кўтарилган экан, жорий йилдан бошлаб аниқ йўналиш ва механизм асосида ташкил этилаётган дав-ра суҳбатлари, ижро органи вакиллари-нинг жойларда тарғибот-ташвиқот ишла-ри, амалга оширилаётган саъй-харажатлар самараси ўларок, назорат, эндиликда ку-тилган натижага беришига шубҳа йўқ.

Тўй ва маъракалар халқимизнинг эзгу қадрият ва анъанасига айланган. Уларни юксак маданият билан, меъёрга амал қилиб ўтказсак, одоб-ахлоқ, дин ва жа-моат тартибига бўйсунсак, нур устига нур бўлади. Зеро, меъёр хамиша муҳим!

Сабоҳат СУЛТОНОВА,
"Hurriyat" мухбири



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ — етуклик пойдевори

Бошланғич
1-бетда

Бинобарин, Ўзе-кстон Республикаси Президентининг 28 февралдаги "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходим-ларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги қарори мана шундай эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Қарорга мувофиқ, мактабгача таълим муассасалари айрим ходимларининг иш ҳақи тўловлари икки босқичда 10 фойздан 30 фойзгача оширил-моқда. Моддий манфаат кучайиши, албатта, яхши. Айни пайтда бу қарор жамиятимизда ёш авлодни тарбиялаёт-ган эзгу ҳасб соҳибла-рининг ижтимоий мавқеи, ҳурмати, эътибори меҳнатлари-га яраша олишини таъмин этиши билан

ҳам қимматли деб ўйлайман. Шу билан бирга кишлоқ ҳудуд-ларда боғчалар учун ота-оналар тўлови-нинг 50 фойзга қадар қамайтирилиши бошланғич боғчалар билан қамраб олиниш даражасини оширади. Муҳими, мазкур қарор мактабгача таълим муассасалари-да таълим-тарбия сифати ва самарадор-лиги янада ошишига хизмат қилади.

Дилдора АҚРАМОВА,
Юнусобод тумани

ЕР ДАНГАСА ЭМАС, Вақтда эксанг, кечукмай ҳосил олсан

» КУН МАВЗУСИ

«Бобурнома» асарида шоҳ ва шоир Захи-риддин Муҳаммад Бобур она юртимизнинг серҳосил заминини кўп ва ҳўп эътироф этган. Асарни ўқийтган ўқувчи қайси мил-лат, дин, ирқ вакили бўлишидан қатъи назар, қанчалик серқуёш, экин-тикинга бой, мева-чеваси тилёраў ўлка ҳақида гап бораётганини ҳаёлида жонлантириб олади. Бунинг замирида эса аждодларимиздан мерос бўлиб қолган халқимизнинг меҳнат-кашлиги, ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиши ётибди. Бу борада, бизга ҳатто чет элликлар ҳам ҳавас қилиш турган гап.

Яқинда корейлик дўстим юртимизда меҳмон бўлди. Уйга таклиф қил-дим. Маҳаллаимиз-ни қўрсатдим. Қўни-қўшиниқига олиб чиқ-дим. У ҳайрон: ҳовлида оловдай ловуллаб турган атиргуллар, қишқу ёз бир-дек, ям-яшил томорқани кўриб «буларнинг ҳамма-си хонадон соҳибиники-ми?» деб сўрайди. Ишонч-билан тасдиқлайман. «На-хотки», дейди у, «шун-дай кўркем уй-жойлар одамларнинг шахсий, ко-нуний мулки бўлса» ажабландай меҳмон. «Ишонавер», дейман унга қувончини яширолмай. «Бизда айрим одамлар бу-тун умр ижара уйларда яшаб ўтишади. Фақат зо-дагонларнинг шахсий уйи бор», дейди корейс дў-стим ҳаваси келиб. Мен эса ғурурланаман.

Чиндан ҳам бугун рес-публикаимизнинг барча ҳудудларидаги ҳовли-жойларга одамнинг ҳаваси келади. Тарихда аж-додларимиз орзу қилган қунарда биз етдик. Чор-атрофимиз чаман, ҳар ба-хор дарахтларимиз чап-пар уриб тулларкан, бозорла-римизда турли ноз-неъмат-лар, мева-чевалар мўл-қўл бўлишидан қўнғилимиз тўқ умргузаронлик қиламиз. Жаннатоманд юртимиз-нинг тупроғи олтин, йил-нинг тўрт фаслида ҳам ҳосил олиш мумкин. Ота-боболаримиз азал-абад ер-дан унумли фойдаланиш лозимлигини, дехқончи-лик, миришкорлик сирла-рини ўргатиб, уқтириб ке-лишган. Ерга ҳам меҳр

бер, дейди кексалар. Ахир сен ерга қоксанг, ер сени боқад, деган нақл бор. Бироқ афеуски, бугун юртимиздаги кенг қўлам-ли ислохотлардан, иқти-содий юксалишу яратил-ган шарт-шароитлардан фойдаланиш ўрнига, ос-мондан чалпақ ёғишини кутиб ўтирган, икки кун-нинг бирида ҳукуматга таъма қилиб моддий ёрдам сўраётган боқиман-далар ҳам йўқ эмас. Бо-лалигимизда нонни ушоғи ҳам нон, хор қилма, уволди уради де-йишарди. Уша боқиман-далар инсонини ер боқи-шини, ерни хор қилган алаҳхусус унга зор бўли-шуни қуни келиб бобо Ер-нинг уволди уришини дўпписини бошларидан олиб ўйлаб қўришса, нур устига нур бўларди...

Орадан бир-икки кун ўтиб корейлик дўстим би-лан қўришдик. Турли мавзуларда суҳбатлашдик. Аммо у суҳбатни яна Ер мавзусига бурди. «Кеча интернетда кўрдим. Ер ҳақида кўп қонулар бор экан. Яқка тартибдаги уй-жой қуриш ва ер участ-каларининг томорқасини обод қилиш дейилибди, у нима дегани тушунтири-б бермайсанми» деди у. Мен дўстим айтган маса-ла бўйича тушунтириш бердим:

Бизда Солиқ кодекси-нинг 291-моддасига Яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаш-тириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмига кишлоқ ҳўжали-ги экинлари экилмаган



ёки ободонлаштирилмаган ҳолларда қонун ҳужжат-ларида белгиланган тар-тибда уч баробар миқдор-да ер солиғи тўлашни ҳақида қўшимчалар кири-тилди. Мазкур қўшимча Президентимизнинг 2017 йил 10 октябрдаги Қаро-ри билан тасдиқланган. Фермер, дехқон ҳўжалик-лари ва томорқа ер эга-лари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланишни таш-кил этиш бўйича чора-тад-бирлар дастурининг 3-бан-дидан келиб чиққан хол-да, Ўзбекистон Республи-касининг 2017 йил 29 де-кабрдаги «Солиқ ва бюд-жет сиёсатининг 2018 йил-га мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қи-линганини муносабат бил-лан айрим қонун ҳужжат-ларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни би-лан амалга оширилди. Қарордан асосий мақсад, халқимиз ўзларига тегиш-ли бўлган, айниқса, қаров-сиз ётган ерлардан ва то-морқалардан унумли фой-даланиб, уни ободонлаш-тириш, ер фойдасини оиласи билан баҳам қўриш, давлатимиз иқти-содийнинг ўсишига ҳам ҳисса қўйиши учун кенг имконияти яратиш бўлди.

У гапларини диққат билан эшитди. «Сизларда давлат раҳбари ҳар бир масалага халқ манфаати, юрт фаровонлигини ўйлаб ёндашаркан-да» деди у. Мен тасдиқладим. «Чет

эл тажрибасини оладиган бўлсак, ҳозирда жаҳон бозорларида ўз мавқеига эга, ички ва ташқи иқти-содийни тиклаб олган Хитой давлати ҳам ўз даврида бошидан кўп очарчилик даврларни ке-чирган. Бундай шароит-дан улар фақатгина дав-лат томондан берилган эр-кинлик, яъни ўз ерлари-дан унумли фойдаланиб, ички бозорга мустақил кириши натижасида му-ваффақиятга эришишган. Улар доим «Дангасалиқ одамларга ҳос, ер данга-са бўлмайди; вақтида эк-санг, кечикмай ҳосил бе-ради» деган мақолага амал қилишган. Сизлар бугун хитойликларни ҳам ор-да қолдирибсизлар» деди яна суҳбат асносида. Мен бободехқонларнинг, уста бободехқонларнинг, за-мондоши эканлигимдан фахрландим, улар бугун янги-янги инновацион ғоялар асосида мўл ҳосил, халқимизга ризқ-рўз етиш-тириш учун тинмай меҳ-нат қилишга тинмадан се-виндим.

Ҳозирда давлатимиз то-монидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — дехқончилик ва боғдор-чилик учун етарли имко-ниятлар берилган. Шун-ингдек, маҳсулотларнинг импорт ва экспорти бўй-ича ҳам барча қулайлик-лар мавжуд. Айниқса, ички савдо юзасидан рес-публикаимизнинг барча ҳудудларида «Дехқон бо-зорлари» фаолият юри-моқда.

Бир оилани билан, беш сўтих ери бор. Мав-сум пайтида томорқасида бақлажон, қалампир, по-мидор, бодринг, ловия, ковок сингари полз экинларини етиштиради. Ана шу маҳсулотларни бозордан сотиб олмайди, қайтагина қўшниларга ҳам улашади. Ўзлари ҳам саб-завотлардан турли егулик-лар тайёрлаб, қишга ғам-лаб қўяди. Ўйлаб қўринг, айрим юртдошларимиз ер ва томорқаларидан иш-нинг қўзини биллиб фой-даланса, қимга наф?! Ахир дехқончилик қони сармоё, савоб, тўқин-со-чинлик дегани-ку. Бугун-ги дехқон кечаги қосаи оқармай юрган дехқон эмас. Меҳнат қилгани, албатта, самарасини қўра-ди. Негаки, муҳтарам Президентимиз, қолавер-са, замоннинг ўзи сизу биздан меҳнат қилишни, шу қаторда, ўзини ҳам, халқни ҳам, давлатни ҳам бой қилишни талаб этмоқ-да.

Фикр ва мулоҳазаларимиз сўнггида айрим таклиф-ларни жоиз деб топдик. Оммавий ахборот воситала-ри орқали ўз ерларидан ва томорқаларидан унумли фойдаланиб, фаровон ҳаётга эришган, бошқаларга ҳам ёрдам қўлини чўзаётган оидалар ҳақида қўрса-тувлар берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки баъзи оидалар борки, улар ўз ери ва томорқасига эга бўла туриб, ундан қандай фойдаланишни, ишни нимадан бошлашни билмайди. Уларга эса албатта, замонавий қаҳрамонлари ўрнак бўлади. Мутасадди идоралардан эса халқимизни ер ва томорқаларга қизиқтирувчи дастурлар ишлаб чиқишни талаб этила-ди, ҳолос.

Наргиза БОБОМУРОДОВА,
«Hurriyat» мухбири

ХАЛҚ ДАСТУРХОНИДА

инновацион ғоя маҳсули

» ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ

Мамлакатимизда таълим соҳасига инно-вацион ғояларни тарғибот этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таклиф ва ташаббуси билан 2018 йил мамлакатимизда «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили», деб эълон қилинди. Дарҳақиқат, фаол тадбиркорлик, давлатимиз раҳбари таъбири билан айт-ганда, бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор техно-логия ва бошқарув усуллари асосида ташкил этиладиган иқтисодий йўналишдир.

— Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳ-сулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафакат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилар-мон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар са-фини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи талдаги вазифамиз бўлиши шарт, — де-ган эди Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида.

Ўрта Чирчиқ туманида ҳам юқори технологиялар ва илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларидан унумли фойдала-наётган фаол тадбиркорлар оз эмас. Вилоятимиз маркази — Нурафшон пойтахти асим — Тошкентга кетар экансиз, Ўйғичқали ҳудудида ажойиб иссиқхонага қўзингиз тушади. Испания кириллигининг «ULMA» ва Туркия Республикасининг «OSG NETALIM» фирмалари томонидан бунёд этилган ушбу иссиқхона на-факат туманимиз, балки мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. «FAROVON HA-YOT KALITI» ва «SAMARALI SAVDO NIYAT» масъу-лияти чекланган жамиятлари томонидан етиштирилаётган қишлоқ тансиқ неъмат бўлиши — помидорлар маҳал-лий бозорларимизни таъминлаш билан бир қаторда Рос-сия Федерациясига ҳам экспорт қилинмоқда.

Иссиқхона агрономи Икер Финаллегас Паласиос ҳам-роҳлигида кезар эканмиз, ташқариданги қишлоқ қаҳ-ратонини иззирини бизни тарқ этди: бу ердаги яшиллик ва илқ ҳаво ҳарорати гўёки баҳор келиб, барчани экин-тикин экинга чорлаётгандек туюлади. Ҳамроҳимиз, ис-сиқхона агрономи жаноб Икер Финаллегас Паласиос Ис-панияда туғилган ва бугунги кунда Ўрта Чирчиқ тумани-да меҳнат қилмоқда, халқимиз дастурхонини нозу неъматлар билан таъминлашда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— Жами 2 гектардан зивд майдонда иссиқхона барпо этганмиз, — дейди у. — Иссиқхона фаолиятини йўлга қўйиш баробарида 22 кишини доимий иш ва етарлича маош ҳамда маҳсул қилим-бош билан таъминлаганмиз. Халқингизнинг меҳнатсеварлиги ва меҳмондўстлиги, тўғриси, ҳайратинга сабаб бўлди. Иссиқхонага турли юмушлар билан ҳар хил харидорлар, бизнес ҳамкор-лар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ташриф буюради. Ҳамиша қўли қўқсида бўлган бундай ҳаммас-ларим борлигидан, улар билан бир масканда меҳнат қилаётганимдан ғоятда хурсандман.



Иссиқхонада помидорлар «қокопит», яъни қокоснинг майдаланган пўстлоғи билан тўлдирилган маҳсул қути-ларда парвариланмоқда. Мазкур маҳсул қути Шри Ланканинг «Coco Green» компанияси томонидан ишлаб чиқарилиб, туманимизда помидор етиштириш учун хиз-мат қилмоқда.

— Помидорлар гидропоника методи асосида етишти-риляпти, — дейди агроном ёрдамчиси Шавкат Ниёзов. — Гидропоника методи деганда, ўсимлик учун зарур барча микроэлементлар ва ўғитлар сув ёрдамида озиклантири-лиши тушунилади. Ушбу методда помидорлар томчила-тиб суворилади. Октябрда илк қўчатларни ўтказганмиз. Декабрда биринчи ҳосилини халқимиз дастурхонига ет-каздик. Ҳозирда қунига 1-2 тонна атрофида ҳосил йиғиштирямиз.

Гарчанд ҳосил йиғиштириш атамаси саховатли қўз фасли билан бирга тилга олинса-да, янгича ёндашув ва инновациянинг самараси ўларок бу амага қаҳратон қиш билан бирга тилга олинмоқда. Инсон қўли тошни ҳам гулга айлантира олади, унинг ақли қишда ҳам ҳосил етиштириш имконини яратишига ушбу иссиқхонада гувоҳ бўлдик.

Иссиқхонада ҳаво ҳарорати қўмир ёқилгани ёрдамида бир маромда ушлаб турилади. Таъкидлаш кераки, одам-зод ақлининг бундайин маҳсули қишлоқнинг аёли қунарла-да ҳам дастурхонларимизни мазали ва витаминлига бой, энг муҳими, ҳамёнбоб нархлардаги помидор билан таъ-минлашда қўл келмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги иссиқхонада Голландиядан келтирилган помидор қўчатлари Испания технологияси ва Шри Ланка қўчатларида меҳри қайнок, меҳнатсевар халқимиз томонидан етиштирилмоқда.

Бугун «korzinka.uz» ёки «makgo»дан, ёхуд Қўйлик ёки Нурафшон дехқон бозоридан харид қилган помидорингиз, ишонаверинг, туманимиздаги мана шу иссиқхонада етиш-тирилиб, сизнинг дастурхонингизга етказилган.

Отабек ИСРОИЛОВ,
«Мағал» мухбири
Равайн МИРЗАҚУЛОВ олан сурат

Олам аёл матофати билан гўзал!

Ўзбек кино ва театр санъати даргаларининг кўпчилиги ўз номидан кўра яратган мукамал роллари билан аталиб, халқимиз тилидан тушмай келаётгани бежиз эмас. Улар ёнгинамизда юрган таниш чехралар, яқинимиз, қариндошимиз ё ҳамкасбимиз бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, ана шундай ҳаётӣ, жонли образлар қалблардан чуқур ўрин эгаллайди.

Мухлисларига гоҳ Нигора, гоҳ Сотти ("Келинлар кўзголини") бўлиб завқ улашадиган ва ё Момо ("Чимилдик") бўлиб ҳаётӣ сабоқ берадиган, бир қараса мунис мушфиқ, аммо бардоши тоғдек залворли она ("Ўзбекча рақс", "Қирмизи олма") бўлиб томошабинни хайратга солиб келаётган Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Икромовани ҳам, шубҳасиз, шу сафга қўйиш мумкин.



"Бу роллар сизга атаб ёзилган..."

Халқимизда артистлар қаримайди, деган ибора бор. Ҳақ гап, ёши етмишдан ошган бўлса-да, сеvimли актрисамиз ўтган йилларда баракали ижод қилди. Хусусан, бир неча йилдан буён сахнадан тушмай келаётган "Ўзбекча рақс", "Қирмизи олма" спектаклларидаги она ва буви образлари ёлғиз унга насиб этди. Ушбу ролларни ойида икки-уч бора дублёрсиз ўйнаб келяпти. Театр зали айна шу спектаклларда лик тўлади ва ҳар гал томошабинни қуддириб-йиғлатади ёки йиғлатиб-қулдиради. Спектакль тугагач, унинг мухлислари бир гапни такрорлайди: "Бу роллар сизга атаб ёзилган экан..."

Ҳа, байрам арафасида Ўзбек миллий академик драма театрининг устоз актрисаси Дилбар Икромова ижодий фаолиятига бир назар ташлашни лозим топдик. Сахнада баъзан шўх-шадод, "ўзини хафа қилдириб қўймайдиган", баъзида эса жайдари Дилбар опанинг аслида ўта камтар, содда, самимий инсонлигини кўпчилик билмас керак.

— Ёшлигимда тортинчок, бир четда жимгина ўтирадиган киз

эдим, — дейди актрисанинг ўзи. Онам сендан қанақа артистка чиқади, қўй бу орзунинг деганлар. Аммо отам (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном бўлган) монологлар ўқиб, айрим асарлардан парчалар айтиб биз фарзандларни хайратга соларди. Ўқини битириб, мана шу театрда ишлаб бошлаганимда, буни эшитган қўни-қўшини, таниш-билиш ишонамган. "Йў-е, бор-йўқлиги билинмайдиган бу кизингиздан қанақа артист чиқади" дейишган. Ўзим ҳам бирорта ролни қўйиб қилдим дейилмаман, аммо яратган образларингиз орасида қайси бири ўзингизга кўпроқ маъқул, деган саволга "Ўзбекча рақс"даги она ролим дейман. Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов сахналаштирган ушбу пьесани ўқиганимдаёқ шу образни яхши кўриб қолдим. Устозимиз Турғун ака "Дилбар, шу ролга сендан бошқани тасаввур қилолмадим" деб ишонч билдирганлари менга янаям куч бағишлади. Бир олам оруз-умидлар билан яшадиган она ёлғиз ўғли рус кизни уйга етаклаб келгач, ҳар қанча оғир бўлмасин, уни қабул қила-

ди ва кўп кийинчиликлардан сўнг келинини ҳақиқий ўзбек аёлига айлантиришга эришади. Оддийгина ўзбек онасининг оилага, фарзандга, миллатга садокати тараннум этилган ушбу сахна асари кўпчиликка маъқул бўлаётганидан мамнунман. Ҳамкасбларим ҳам сахнада ролингизни эмас, ўзингизни кўргандай бўлдим дейишса, кўнглим кўтарилди. "Чимилдик"даги момо образини ҳам кўпчилик гапирди. Ҳақиқатан аёлини анча ўзгартириб юборган бугунги кунимиз учун ана шундай нуктадон, зукко момолар жуда зарур. Ҳозирги ёшларга, келину қизларга бир ролимдаги гапни айтгим келди: шундай яшангки, етти пуштингизга сиздан нописанд фарзанд чиқмасин... Касбимни шу жиҳатини яхши кўраманки, ҳаётимизда учрайдиган ҳар хил ҳолатлар, дилхираликларни икки соатлик спектакль давомида унутаман, бошқа дунёга олиб кириб кетадиган сахнадаги ҳаётим тугамасайди, шу тарзда давом этаверсайди, дейман...

Драма, мелодрама, комедия... Ҳам кино, ҳам театр йўналишида бу жанрларнинг ҳар би-

ридаги ўйлаб образлар унинг истеъдодини синонадан ўтказган, ҳар бирида қўйилмаком образлар ярата олган. Айрим актёрлар ўзини ё унисига, ё бунисига хос деб ҳисоблайди ва шунга яраша роль танлайди. Дилбар Икромова эса аксинча, қайси ролга муносиб кўришса, режиссёр ишончини оқлашга уринади, эпизодик ролни ҳам томошабиннинг ёдидан чиқмайдиган тарзда урдалайди. "Драма жанрида ўйнасам, комедияни соғиниб қоламан ёки комедия билан кўпроқ машғул бўлиб қолсам, жиддийроқ образларни яратиб қўйсаяман, — дейди у. — Ҳар иккаласи аралаш асар бўлса, унда сахнада янаям маза қилиб "яшайман".

Баҳор байрамлари арафасида ҳамма ўз волидаси томон ошмади, ҳаёт бўлмаса, ёдга олиб, қўмсайдилар. Қайси бир ҳислатларини эслаб, юратида ширин орзиқиб туяди. Дилбар опа ҳам ўз волидасининг оилага, фарзандларга бўлган садокатини тўлиб-тошиб гапирди. Ўзи емай едирган, қиймай қийдирган, саккиз фарзанднинг барини олий маълумотли қилиш учун елиб-югурган ота-онаси-

ни алқайди, жойлари жаннатда бўлсин, деб дуо қилади:

— Отам инсулт бўлиб ўн беш йил ётиб қолганлар. Муштиптар онагинам шунда ҳам бирор марта бўлсин, вой-дод деганларини эшитмадик. Аввалги оналар соддароқ бўлган экан, шекилли-да...

Севимли ёзувчимиз Саид Аҳмад Дилбар опага: "Фармон-бибининг айрим хислатларини сенинг ойингдан олганман" деган экан. Ҳақиқатан Фармон-биби ўнта бўлса ўрни бошқа деб, нафақат фарзандларнинг ҳар бирига, балки неварою эвараларгача ғамхўрлик қилишга куч топиб, бир олам меҳр улаша оладиган ўзбек оналарининг ёркин тимсоли эди. Дилбар Икромованинг ҳам ёлғизгина ўғлига чексиз муҳаббатини, на-бираларига бўлган улкан меҳрини сўзу кўзлари "айтиб" туради.

— Набирамга китоб совға қилишни одат қилгандим, — дейди опа жажжилар ҳақида севиниб сўзларкан. — Бир гал ўйинчок олиб борсам: "Буви-жон, ўзингиз айтгансиз-ку, энг яхши совға китоб деб, нега ўйинчок олиб келдингиз" деган. Буни эшитиб хурсанд бўлганман. Ҳақиқатдан, китоб бу — билим, китоб бу — ҳаёт. Биз талабалик давримизда ҳам ўзбек, ҳам дунё адабиётини мунтазам ўқиб борардик. Ҳозир айрим ёшлар чет эл адабиётининг айрим асарларини эшитмаганини бемалол айтиб ўтиради. Мана, энди китобхонлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди, худо хоҳласа, билимдон ёшлар кўпаяди, деб ўйлайман...

Сўзлари ижро этган ролларидек самимий, содда, аммо юки залворли бўлган Дилбар Икромовага ижод йўллари хамиша ёркин, умрининг ҳар бир кўни сахнадаги ҳаётдек тотли бўлишини тилаб қоламиз.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили эълон қилинган "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори каттаю кичикни мушоҳадага, китоб-севарликка ундагани айна ҳақиқат. Ёшлар Иттифоқи Марказий кенгаши тасдиқлаган низом асосида "Ёш китобхон" танловининг ўтказилиши эса мамлакатимизнинг катта қисmini ташкил қилувчи ёшларни янада фаолликка чорлади. Минглаб йигит-қизлар мазкур танловнинг аҳамиятини англаб, ўзини ушбу беллашувга тайёрлашга киришгани рост. Вилоят босқичларидан ўтиб келган 14-19 ҳамда 20-30 ёш доирасидаги ёшлар республика босқичида мардона беллашдилар.

Ўзим туйган завқни ботқаларга улатаман...



20-30 ёш доирасида қолиб бўлган фарғоналик Шарофатхон Исмоиловнинг тўрт шартдаги чиқишлари ҳакамлар ҳайъатидан тортиб, "Ёшлар" телеканали мухлисларининг барчасида хайрат ва ҳавас уйғотди. Водий ёшлари номини оқлаган бу зукко киз Олтириқ туманидаги Бўр балиқ қишлоғида турилган. Қўкон педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида тахсил олмакда. 2013 йилда "Ёноқи олма"лар" шеърӣ тўплами нашр этилган. Танлов тугагач, кўпчиликни қизиқтирган саволлар билан унга мурожаат қилдик.

— Асли журналист бўлишни орзу қилгандим, — дейди у майин жилмайиб. — Ўзбекистон миллий университети журналистика факультетида ҳужжат топшириб, уч йил кетма-кет киролмаганман. Кейинги йил ҳозирги олий ўқув юртига киргач, энди қандай ўқини кўрсатаман, деб ўзим-ўзимга шарт қўйгандим, бир томондан уч йиллик ҳаракатим зое кетганининг алами ҳам бор эди.

— Танлов эълон қилинган, кўп ёшлар зўр иштиёқ билан китоб ўқишга тушгани маълум. Сиз-чи, муталаани қачон бошлагансиз?

— Болалигимда дадам кўп китоб олиб берардилар. Биринчи ўқиган китобим (эртақлардан ташқари) Ханс Кристиан Андерсеннинг "Олтин бола" асари эди. Ота-онам ўқитувчи бўлгани бонс аслида оиламизда ҳамма китобсевар. Танловга-ча уч юзтадан зиёд китоб ўқигандим. Мусобақа низомида кўрсатилган 27 асар, ундан ташқари ўша китоблар ҳақидаги илмий асарлар, мақолаларни ҳам ўқиб чикдим. Шу орада яна эллигача китоб муталаа қилдик. Зарур пайтларда менга ёрдам берган устозларим Зебо Қобилова, Феруза Қурбоновага раҳмат айтаман...

— Китоб сиз учун нима? "Спарк"ми?

— Йўқ, муваффақиятлар қалити, десам айна ҳақиқат!

Ҳали қанча ўқилмаган китоблар бор, уларнинг муталааси мақсадимга, орзунимга етишишда ёрдам беришга ишонаман. Бундан ташқари, танлов тугаб водийга қайтгач, мени катта тантана билан қутиб олишгани бонс қишлоқдошларим олдида энди қарзим борлигини, ана шу эътиборга лойиқ бўлишим кераклигини хис қилдим. Мақтаблар, маҳалалардаги тадбирлар, учрашувларга таклиф қилишяпти. Бундай тадбирларда бир гал Алишер Навоийнинг ғазалларини таҳлил қилиб, бир гал тинчлик ҳақидаги мулоҳазаларини сўзлаб берганимда, тенгдошларим, ука-сингилларимнинг қўзларига қараб, китобхонликка бўлган қизиқиш пайдо қилганимни сездим. Энди бу завқ менга хамиша ҳамроҳ бўлишга ишончим қомил...

Мазруфа СОЛИХОВА

Кизилмия илдиизидан озиқ-овқат саноати, фармацевтика, косметология ва ҳаттоки қурилиш материаллари ишлаб чиқариш жараёнида ҳам кенг фойдаланилади. "Тадбиркор аёллар" уюшмаси аъзоси қаҳрамонимиз Зоҳида Мансурованинг асосий фаолияти ана шу ўсимлик қорғоқ. Кизилмия илдиизини қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган 20 та ишчи ўрнига эга "Root extract" корхонаси 2014 йилда ташкил этилиб, қисқа фурсат ичида қатор ижобий натижаларга эришди. Айтиш жоизки, мазкур маҳсулотни қайта ишлаб чиқариш ва хомашё сифатида экспорт қилиш орқали Зоҳида Мансурова юртимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

УДДАБУРОЖ
ТАДБИРКОР АЁЛ

миз яқинда қандолатчи тадбиркорларга кизилмия кукунидан қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таклифи билан ҳам чиққан. Зоҳида опанинг фикрича, агар мазкур гоя қўллаб-қувватланса ва амалга ошса, нафақат хамюртларимизни, балки қўшни давлатлардаги қандил диабетга чалинган қўллаб беморларни ҳам турли қандолат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, тадбиркор хамюртимиз апрель-май ойларида корхона фаолиятини кенгайтириб, яна 15 та янги иш ўрни яратишни ният қилган. Бу каби амалга оширилётган ишлар ва истикболдаги режалар ҳақида эшитар эканмиз, оддий ўзбек аёлининг шижоати, удуьбурунлиги, ақл-заковатию тадбиркорлиги-га тан бермай илож йўқ.

Зоҳида опанинг наздида бахт оила аъзолари, жондан азиз фарзандларининг тани соғлиги, бошида хамиша доғуўйи, ғанимати волидасининг борлигидир. "Рўзгор, бола тарбияси, каттагина корхона юмушлари нозик елкангизга оғирлик қилмайдими?" десак, у киши қулибгина бундай ширин ташвишларнинг бориға шукр қилишнинг, зиммасидаги вазифаларни кўнгли тўладиган даражада адо этса, ўзини бахтли инсонлар сафида кўра олишини айтиди.

"Энг яхши инновацион лойиҳа"

Хуришида Расулова тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими мудири:

— Мамлакатимизда илк бор ўтказилган "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" танловида "Шифокор аёлнинг энг яхши инновацион лойиҳаси" номинацияси қолиб бўлдим. Лойиҳам ишемик инсултда ангио-церебро-ренал дисфункция, яъни бош мия ва буйракларнинг биргаликда зарарланишини ҳисобга олган ҳолда янги ташхислаш, прогнозлаш ва даволаш усулларини татбиқ этишга бағишланган. Бунинг натижасида, инсулт билан касалланиш, ўлим ҳолатларини камайтиришга эришиш мумкин.

Европага қараганда, Осиё мамлакатларида буйрак касалликлари кўп кузатилгани бонс, Ғарб тиббиёти хали бу йўналишда бирор тадқиқот олиб бормаган. Табиийки, аксарият давлатлар ҳам Ғарб тажрибасини ўрганишди. Демак, буйрак ва бош мия алоқадорлиги силригича қолаверади. Шу бонс, бу йўналишда олиб бораётган тадқиқотим фақатгина юртимиздаги тиббиётда эмас, балки хориж тиббиётида ҳам янгилик бўлди. Қўллаб хорижлик мутахассисларда қизиқиш уйғотди. 20 дан ортиқ давлатда ўқув-семинарлари ўтказиб келдим. Устозларим билан шу

йўналишда учта китоб чиқардик. Мутахассислигим бош мия фаолиятига доир бўлса ҳам, мазкур тадқиқотим учун неврология бўлимида алоҳида ўқиб, тахсил олдим. Буйрак касалликлари ҳақида тўлароқ тушунчага эга бўлдим. Шу сабаб, мазкур тадқиқот муваффақиятли ўтмоқда. Инсултга чалинган беморлар билан бир қаторда, соғлом каламушларда ҳам тажриба ўтказиб яхши натижага эришдик.

Тадқиқотларимни Тошкент шаҳрининг 4 та шифохонасида, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот лабораторияларида олиб бордим, бир қисмини Европа давлатларида бажардим. Тадқиқот натижалари юртимиздаги бир нечта тиббий муассаса ва касалхоналарнинг даволаш-ташхислаш амалиётига жорий қилинди, тиббий олий ўқув юртларининг ўқув жараёнида ҳам қўлланилмоқда.



Айни пайтда мазкур ихтиромиз учун патент, компьютер дастури учун гувоҳнома ҳам олдик. Энг катта бахтим — мени тушунадиган оилам ва хамиша қўллаб-қувватловчи устозларим бор. Рисоладаги уй бекаси бўлиш, илмий иш билан шуғулланиш осон эмас, албатта. Бу борада ота-онам, турмуш ўртоғим қатори меҳрибон кайнонамнинг қўмақлари менга кўл келади. Барчаларидан миннатдорман.

Оламинг кўрки уйнинг фазйи, келажакнинг давомчиси азиз эмас, албатта. Бу борада ота-онам, турмуш ўртоғим қатори меҳрибон кайнонамнинг қўмақлари менга кўл келади. Барчаларидан миннатдорман.

Қалби уммон бўлган онажоним!

Она! Бу сўз қандай жарангли, майин ва мулоим... Онанинг гапирган ҳар бир сўзи ҳам жуда мулоим, ёқимли.

Ҳар гал сиз ҳақингизда эсласам юрагим титтиричлайди. Менинг онажоним, меҳрибоним. Менинг онам ўн бир нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб тўғри тарбия бериб, барчамизни олий маълумот олишимизга шароит яратиб берди. Олаизор ҳар кўни 10 боладан ҳол-аҳвол сўрайди. Сўраганда ҳам камтарлик билан: "Болам, вақтинги олмадингми?" — деб қўяди. "Сиз бунчалар камтарликни, бунчалар меҳрини қардан олансиз", — деганимда Қалби уммон онажоним мийиғида қулиб қўйди ва "жоним болам-а" деб қўя қолди.

Оналарнинг ёмони бўлмайди, деб баралла айтмак! Лекин минг афсуслар бўлсинки, оналар сўзга лойиқ эканми? — деб қўяди. "Сиз бунчалар камтарликни, бунчалар меҳрини қардан олансиз", — деганимда Қалби уммон онажоним мийиғида қулиб қўйди ва "жоним болам-а" деб қўя қолди.

Оналарнинг ёмони бўлмайди, деб баралла айтмак! Лекин минг афсуслар бўлсинки, оналар сўзга лойиқ эканми? — деб қўяди. "Сиз бунчалар камтарликни, бунчалар меҳрини қардан олансиз", — деганимда Қалби уммон онажоним мийиғида қулиб қўйди ва "жоним болам-а" деб қўя қолди.

Оналарнинг ёмони бўлмайди, деб баралла айтмак! Лекин минг афсуслар бўлсинки, оналар сўзга лойиқ эканми? — деб қўяди. "Сиз бунчалар камтарликни, бунчалар меҳрини қардан олансиз", — деганимда Қалби уммон онажоним мийиғида қулиб қўйди ва "жоним болам-а" деб қўя қолди.

Манзура ТУРДИЕВА, Самарқанд шаҳридаги 20-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Саҳифани "Hurriyat" мухбирлари Холита ФАЙЗИЕВА ва Гўзал МАЛИКОВА тайёрлади.

ХИСОБОТ

"Книга" сўзининг келиб чиқишини баъзи мутахассислар шундай изоҳлашади: ўтмиш замонларда ёзув кашф этилиб, одамлар фикрини дарахт پوستлоқлари ёки хайвон терисига дарж қилган ва уни қуёшда қuritган. Бундай матоҳлар туркий тилдаги "кун еган", "кун эмган" деган сўзлар билан аталган ва йиллар ўтгач, бу ибора "книга" тарзида тилда ўзлашган. Нима бўлганда ҳам книга – китоб (китоб сўзи арабча "катаба" – ёзмақ феълидан ясалган) инсоният тараққиётида тақдорланмас буюк вазифаларни бажариб келмоқда ва бу беминат маърифат қуролидан баҳра олганлар уни энг ардоқли сўзлар билан таърифлаганлар. Зеро, ҳақиқатан ҳам китоб инсон ҳаётида энг муҳим юмушни бажаради – авлодларга ўтмиш сабоқларидан дарс бериб, тўғри яшаш сириларини ўргатади. Китобни ҳозирги тамаддун тарихида энг сўнгги мўъжиза ҳам деб тан оладилар. Китоб ўқилмаган жамиятлар, тутумлар тезда жоҳолатга юз буриб, йўқ бўлиб кетгани ҳам бор гап.

Айни пайтда ахборот воситалари шунчалик кўпайдики, хатто зарур ва фойдали китобни танлаб, топиб ўқиш ҳам алоҳида тайёргарликни талаб қилиб қолди. Бир мутафаккирни "Агар қайта туғилиш насиб этса, ўқиган кўпгина китобларимни қайта қўлимга олмас эдим" деган эътифори ҳам шундай.

Юртимизда китобхонликка қаратилган ажиб муҳит юзага келди. "Ёшлар иттифоқи" ташкил этган "Ёш китобхон" телеканалови кўп масалаларда аниқ ва амалий фикр юртишни талаб этади. Тайловда китобхонлик борасидаги ютуқлар ҳам, муаммолар ҳам кўзга ташланиб қолди. Энг асосийси – энди ўқилмаган яхши китоблар керак. Шу талаб билан ўтган йил нашр этилган бадий-публицистик китоблар юзасидан мулоҳаза юритайлик.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йилида мамлакатимизда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Маънавий ҳаётимизда ҳам эсда қоладиган тадбирлар кўп бўлди. Масалан, атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидовнинг 100 йиллик юбилейининг нишонланиши тарихий адолатнинг тикланиши, халқимиз донишмандлиги ва баррикеллигининг намойиши бўлди. Шу тўғрй муносабат билан адибнинг "Сайланма"си, шунингдек, Ш.Рашидов ҳақида "Халқимизнинг оташқалб фарзанди" хотиралар китоблари нашр этилди. Бу китобларнинг ёруғлик юзини кўришида Ўзбекистон Ёзув-

чилар уюшмаси, "Ижод" жамоат фонди анча сазй-харакаат кўрсатди. Буюк давлат арбоби, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов хотирасига бағишланган "Ёди ҳаммиса ёдда" китоби ҳам нашр этилди. Албатта, турли шароитларда яшаб, фаолият кўрсатган бу уллуғ сиймолар ҳаётига доир маълумотлар ёш авлоднинг қалбига топишда катта вазифани бажаради. Мазкур китобларда жамланган мақолалар ўзининг самимийлиги, ҳаққонийлиги, далилларга бойлиги билан ажралиб туради. Уларни мутлола қилганда китобхонда ўз тарихидан фахрланиш, шунингдек, ҳаётнинг мураккаблиги, кичкина муваффақиятга ҳам осонликча эришиб бўлмаслиги, аввало, максимал аниқ қўйиш, кейин эса шу мақсад йўлида қатъий ҳаракат қилиш туйғуларини хамроҳ бўлади.

Ёшлар ўқиб, ўрнак оладиган китоблардан Бразилияда ўтган 31-Олимпиада чемпио-нлари Хасанбой Дўсмаев ва Руслан Нурудинов ҳақидаги рангли альбомлардир. Уларда нишондорларни вояга етказган Андижон вилояти, умуман, Ўзбекистонимиз ҳақида, юртимизда спортга берилаётган эътибор, шунингдек, чемпио-нларнинг шохсупагага босиб ўтган йўли юзасидан қизиқарли маълумотлар берилган.

Хотира китоблари сирасига юртимиздаги кўплаб журналистларнинг устози, бир пайтлар хозирги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида фаолият кўрсатган филология фанлари доктори, профессор

УЖЖА САЖВАТ

Китобхонлик маданияти юзасидан мулоҳазалар

2-мақола

Очил Тоғаев ҳақидаги "Олим ва олам" китобини кўрсатиш мумкин. Унда таниқли олимнинг сафдошлари, шогирдлари каламига мансуб эсдаликлар жамланган. "Ўзбек журналистикасининг улкан назарийчиси Очил Тоғаев яратган ижод маҳсуллари устознинг ғайратли, жасоратли инсон бўлганини исботлайди, — деб ёзди таниқли шоир ва журналист Амиркул Каримов тўпламга киритилган "Буюк давлаткор хикматлари" мақо-ласида. — Зеро, матбуотда бо-силган 300 га яқин назарий тахлиллий мақолалар, 20 дан зиёд китоб ва рисоалар ҳар қандай ижодкорнинг умр бисоти-ни беэоли оладиган ҳазина-лардир". Китобдан жой олган мақолалар бугун республикада таниқли қаламқашлар томонидан ёзилган бўлиб, тўпламни миллий журналисти-камиз тарихи ва тадрижини акс эттирадиган муҳим қўлла-малардан бири қаторига қўйиш мумкин.

Турли мавзу ва йўналиш-даги кўплаб китоблар эъти-боримизга ҳавола қилинаётган экан, келажак ҳаётини ташкил этишда ёки бугуннинг савол-ларига жавоб топишда ҳар би-рининг ўз ўрни борлигини таъ-кидлаш жоиз. Одатда, бутун Шарқда бўлгани каби, бизда ҳам панд-насихат руҳидаги ки-тобларни ўқиш кўпроқ таомил-га кирган. Ҳозир бирор уллуғ зот ҳаёти ёки унинг тажриба-сидан орттирган ибратлари асосида ёзилган ривоятлар аниқ тарихий воқеаларга асо-сланган эртақнамо китоблар-нинг бозори чаккон. Айниқ-са, диний руҳдаги асарлар, ан-чагина қиммат нархда бўлса ҳам, пештахталарда қолиб ке-таётган эмас. Албатта, бундай ҳолнинг ҳеч қандай зарари йўқ, фақат шу ўринда китоб-хонларнинг ҳам даражаси бор-лиги, қимдир енгилроқ, қўнғилочар китобларни ҳуш-лан (шунга салоҳияти ети-ши), бошқа бировлар эса жид-дий асарларни ёктиришини таъкидлаб ўтиш жоиз. Китоб мутлоасидан бош мақсад эса,

масоихларнинг таъкидлаши-ча, қалб тарбияси, қалбни поклаш, зийнатлаш! бир бан-да вужудда Оллоҳ бор — яшайди, деб талқин этилади ва айнан қалбни Яратганининг маскани, дея таъкидлашади. Демак, мазкур машғулот, яъни китоб мутлоаси баланд руҳ-бадаги юмуш экан. Илоҳий масканининг ҳар жиҳатдан озо-да-пок бўлиши ўқилмаган ки-тобларнинг мавзуси, йўнали-шига ҳам ҳар жиҳатдан боғ-лиқ. Панд-насихат йўналиши-даги китоблар билан ақлга таъсир этилади; туйғуларни қўзғайдиган, жонли мулоҳа-дага уйдаядиган китоблар эса ҳис-ҳаяжонли таъсир этади, натижада, кишидаги соғинч, мухаббат, хурсандчилик ёки изтироб, ҳурмат, мамнуълик ёки норозилик сингари ҳис-лар уйғонади. Публицистика-да ҳам ўқувчиға экспрессив-эмоционал таъсир этадиган унсурлар бўлади, бўлганда ҳам жуда қуюқ бўлади. Фа-қат тўқима эмас, ижтимоий во-қеалар таҳлили орқали пуб-лицист ўқувчиға ўз ички ке-чинмаларини юктира олади. Бу муаллифнинг маҳоратига боғлиқ. Ўтган йил таниқли олим ва жамоат арбоби, Ўзе-бекистон санъат арбоби Ибро-ҳим Ғафуровнинг "Танланган асарлар"и нашр этилди. Унга адибнинг "Хаё — халоскор", "Мангу латофат" ва "Пари-вашлар мажлиси" асарлари киритилган. Публицистика энг юқори мавжга кўтарилиб, чи-накам бадийта кашф этиши мумкинлиги тўпламдаги кўплаб лавҳаларда намоён бўлган.

Худди шундай баланд мав-кени Сайди Умировнинг "Меҳри ва сеҳри сўз" ки-тобида ҳам кўриш мумкин. Ҳам назариядан талабаларга сабоқ берган, ҳам амалиётчи сифатида бардам қалам теб-ратаётган устознинг бу тўпла-мида юзлаб мавзуға қўл уриш-ган ва ҳар бирда муносиб сўз айтилган мақолалар кири-тилган, десак, муболага бўлмайди. "Давр. Одамлар. Публицистика", "Илмий-пуб-

лицистик тадқиқлар", "Шо-гирдлар қалони" бўлимлари-да мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар, Ҳара-катлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни уйда-лашда жонбозлик кўрсатаёт-ган юртдошларимизнинг меҳ-нат жасоратлари, олимнинг замондошлари ҳақидаги дил сўзлари, маданият ва илм-фан соҳасида юз бераётган ўзга-ришлар васф этилган.

Илм ва ижодни баравар олиб бораётган устоз адиблар-дан Аҳмаджон Мелибоевнинг "Ризқ дарахти" китоби ҳам ўтган йилнинг сезиларли во-қеаларидан бўлди. "Ризқ да-рахти" беш бўлимдан иборат. "Илм эрур дардимизнинг чо-раси" маърифий мавзудаги ба-диаларни жамлаган. Тарих ва замонавийлик ўлчамларида илмнинг фойдаси, илм ахли-нинг қисмати, бугунги маъри-фат юзасидан фикр юритилган экан, хозиргача кам истифо-да этилган далиллар асосида боқий кадриятлар яна бир марта тасдиқланади. "Бир кам дунё" бўлимидаги битиклар инсон манзаралари, турмуш-нинг майда-чуйда иқир-чиқир-лари қатидан ўз иқболни из-лаётган одамлар кечинмалари-ни фаол шахс қарашлари би-лан ҳамоханлиқда акс эттир-гани билан эсда қолади. "Қўнғил мулкидан парчалар"-да эса элимиз назарида бўлган кўплаб таниқли зотлар ҳақида-ги хотиралар ўрин олган. Лав-ҳаларнинг ҳар бирда тажри-баги муҳаррир ва ўқир қалам эгасининг дастхати аниқ сези-либ туради.

Ватанимиз севим учун, авва-ло, уни идрок этиш, сайр қилиб кўриш, гўзаллигини ҳис этиш лозим бўлади. Бу бора-да шоир ва публицист Ҳумо-юннинг "Қуёш ҳузурига йўл олган қаровон" китоби анча ёрдам беради. Негаки, унда юртимизнинг ўн тўртта маъ-мурий ҳудудига бағишланган ўзига ҳис мақолалар жамлан-ган. Бундан 4-5 йил олдин мен ҳам Қашқадар вилоят ҳоким-и Ёзувчилар уюшмаси но-мидан хат тайёрлатиб, вило-

ятнинг барча туманларини ке-зиб чиқиб ва жойларда амал-га оширилаётган ислохотлар, юртдошларимизнинг ўй-таш-вишлари ҳақида китоб тайёр-лаш истагини билдиргандим. Вилоят ҳокими номига йўллан-ган хат унчага етиб ҳам бор-маган, ўринбосарлардан бири-га эса масаланинг моҳиятини тушунтириш иложи бўлмаган, шу туйғайли "ижодий режа" амалга ошмай қолганди. Ҳумо-юн эса ҳеч қандай расмийчи-ликларсиз ана шундай юмуш-ни амалга оширган.

Унинг китобига киритилган битикларни ўқиб, юртимиз ви-лоятларининг бугуни юзаси-дан аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Унда кўплаб нодир маълумотлар келтирил-ган. Масалан, ҳамма ҳам На-манганнинг Пишкўрғон киш-лорига Қўлбукон бахшичилик мактаби бўлганини билмасли-ги мумкин. Бундай китоблар даврнинг нафасини, шу билан бирга адабиётнинг ҳарорати-ни билдириб турадиган мезон ҳам ҳисобланади. Адабиёти-мизда бундай тажриба олдин синовдан ўтган ва унинг на-тижалари эсда қоқарли бўлган. Тўғри, "Қуёш ҳузу-рига йўл олган қаровон" кито-бига киритилган мақолалар мавзу, бадийлик даражаси жиҳатидан бир-биридан фарк

қилади, бироқ умумий томо-ни шундай, лавҳалар кўпроқ тарихий маълумотларни акс эттирган. Уларга "ҳарорат" бахш этиш учун шеърлар (уларнинг аксарияти чинакам илҳом маҳсули!) тўн қилиб кийдирилган.

Китобнинг ижобий фази-латлари кўп, аммо ундаги баъ-зи тарихий маълумотлар ва да-лиллардаги қалқашликлар (Те-мурбекнинг онаси Некузиби эмас; Қизилдарё Қашқадарё-га қуйилмайди; малолика би-лан майоликнинг фарқи бор; Ҳисор қўриқхонаси "шарқдан ғарбга 37 чакирим, шимолдан жанубга 90 чакирим чўзилган" эмасдир — ўшанча минг чакир-имдир; Тахтақорачами, Тах-тиқорача?)ларни ҳисобга ол-маса, бу китоб ҳар бир мак-таб кутубхонасида туриши ло-зим бўлган адабиёт бўлган. Албатта, шоирона ифодалар ҳам мантқиққа бўйсунуши жоиз. "Ҳар қуни қуёш тер-дим" ёки "қуёш ичиди" де-йилганда ҳам бу метафоралар-ни образли ифода сифатида қабул қилиш мумкин. Қуёш ҳузури қуёш манзили ёки қуёш висоли эмас. Яна ҳам аниқ тушунича, "қуёш ҳузури"-га етиш эса, иложсиз. Шу-нинг учун китобнинг номи баъзи иштибоҳларга сабаб бўлиши мумкин.

Хуллас, турли мазмун ва жанрда китоблар нашр этилаётти. Энди эса уларни танлаб ўқишдан ташқари, сифатида ҳаридорга етиб боришидаги муаммолар аниқроқ кўзга ташланиб қолаёт-ти. Вилоятларда, чекка қишлоқларда китобсевар дўстларимиз кўп, бироқ уларга янги китоблар ўз вақтида етиб бормайди. Китоб тарғиботи юзасидан телевидениенинг имкониятларидан кенроқ фойдаланиш, чоп этилган ҳар бир китоб ҳақида юрт-дошларимизга тезкор маълумотлар етказиб туришни қатъий йўлга қўйиш фурсати етмадимкан? Негаки, китобга дўст тутиниш — коммуникативнонаси, бу юмушни бекаму кўст адо этиш эса энг нодир, нижа санъат. Шунинг учун унинг бирор унсори (нашр этиш, китоб савдоси, ўқиш)га заҳа етмаслиги лозим. Ахир асарлар синовдан ўтган олий кадрият — китобхон-лик қанча кенг қўлоқ ёйса, истиқболдаги оламшумул режалар-ни амалга ошириш шунча тезлашади. Зеро, китобхон киши маърифатли бўлади, маърифатли одам эса халқ, ватани тари-хини билади, ундан фахрланади ва севди. Ватанга чинакамага хизмат қилиш учун эса уни жон-тан билан севим лозим. Ватанимизни, жондонг Ўзбекистонимизни севайлик, унга сидқидилдан хизмат қилайлик. Китобхонлик кишини ана шундай юксак мартабаларга муяссар этади.

ҲАКИМ САТТОРИЙ

ЖУРНАЛИСТИК СУРИШТИРУВНИНГ МЕЪЁРИЙ ЧЕГАРАЛАРИ ҚАЕРДА?

ХУЛОСА

Бундан бир неча юз йил аввал, дастлабки варақалар чоп этилганидайёқ энг қизиқарли ва муҳим мавзу — оммадан шу пайтгача яшириб келинган ахборот бўлган. Журналистлар шу ахборотга доир маълумотларни излаб топиб газетанинг навбатдаги сонларига жойлаштир-ган.

Матбуот тарихидан маълумки, уларнинг акса-рияти қонунбузарликлар билан боғлиқ бўлган. Ана ўшандан буён мақолаларга "журналистик суриштирув" деган руқн қўйиш одатга кирган.

Ўзбек матбуотида журналистик суриштирув фақатги-на мустақиллик йилларининг даст-лабки 10-15 йилида ривожланди. Босма ва электрон ОАВда бири-бири-дан қизиқарли суриштирув-лар эълон қилинди. Бу бо-рада "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси ҳамда Ўзбекистон телевидениеси-нинг "Ахборот" тахририя-ти жуда кенг доирада ўқувчи ва томошабинини йинга олди. Уша пайтда 20-25 миллион аҳолиси бўлган мамлакатимизда "Ўзбеки-стон адабиёти ва санъати" га-зетаси адади 700-800 минг нусхага етди. Одамлар соат 20:30 да бошланадиган "Ах-борот" дастурини барча юмушларини тўхтатиб кўра-диган бўлишар.

Ўзбекистонда цензура бе-кор қилинган бўлса-да, 2005 йиллардан юқори мар-табали маъмурлар ҳамда бош муҳаррирларда ички цензура кескин кучайди. Матбуотда танқидий, тахли-лий мақолалар, журналис-тик суриштирув аста-секин камайиб бораверди. Журна-

листлар ўткир мавзудаги мақолаларни чоп этишда раҳбарларнинг эҳтиёткор-лигига учрайвергач, ўзлари ҳам муаммоларни четлаб ўтадиган бўлиди. Фақат 2017 йилдан матбуотимиз яна жон-ланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бар-ча соҳалар каби оммавий ахборот воситалари вакил-ларини қилган танқидидан сўнг журналистик суришти-рув жанрида долзарб мав-зулар кўтарилди. Шу пайт-гача парда ортида қолаёт-ган воқеалар юзига чиқа бошлади. Тўғри, ҳали улар-нинг барчасини ҳам мукам-мал қилишлар деяр олма-ймиз. Бир ёқлама муносабат, мавзу моҳиятини чуқур ан-глаб етмаслик, ихтисослаш-маганлик каби камчиликлар кўзга ташланиб турибди.

Журналистик суришти-рувнинг мақсади нима, ҳақиқатга эришишми? Унинг йўлидаги изланиш-да журналист ҳаракатлари-нинг қонун билан белгилан-ган чегараси қаерда? Бу ма-салада ҳалигача қонуний меъёрлар йўқ. Ўзбекистон-да шу мавзуға бағишланган олим ва мутахассисларнинг



илмий тадқиқотларини хануз қутамиз. Амаліётчи-лар тажрибаси ҳақидаги қўллашмалар деярли чоп этилмаган. Нега шундай? Журналистик суришти-рув муаллифдан ғоят чуқур ва ҳар томонлама билим та-лаб қилади. Бу жанрда ижод қилишда соф қалб-нинг ўзи қифоя қилмайди. Уларга ҳуқуқий қафолат, ахборот таъминотида қўмақ, муҳаррир қўллови ҳам ке-рак. Цензура бекор қилин-ганининг ўзи журналист учун ҳуқуқий қафолат бўла олмайд. Ҳақиқий "тўртин-чи ҳокимият" бўлиш, дав-лат бошқарув институтига фаолияти, барча даражада-ги амалдорларнинг корруп-ция ҳаракатиға қарши са-марали курашми учун жур-налистга қонунда қафолат-ланган ҳуқуқлар кенгайти-рилиши лозим.

Иккинчидан, бирон-бир тахририятда муаллифини ах-борот таъминоти билан қўлловчи хизмат лавозими йўқ. Суриштирув олиб бо-раётган журналист "ақла овчи"га ўхшайди. Инфор-мация технологияларининг ривожланиши, жамиятдаги очилиш ва ОАВ моддий им-кониятини уйғунлаштириб журналистик суриштирув олиб бораётган ҳодими қўлаб-қувватлаш вақти кел-ди.

Учинчидан, бош муҳар-рирдаги ички цензураға чек қўйиш лозим. Бунинг учун аввало, ОАВнинг иқтисодий эркинлигига эришиш талаб қилинади. Тўғри, журналистика-нинг вазифаси ҳўқм чиқар-иш эмас. Журналистика ижтимоий адолат қарор то-пиши учун хизмат қилади. Унинг меъзонларини эса жамият белгилайди.

Журналист ҳуқуқ пос-бонлари ваколатини ўз зим-масига олмасин. Унинг ва-зифаси жияноятчини тутиш эмас, балки жияноий хатти-ҳаракатға ошқоралик бе-риш, муаммони тахлил

қилиш, ечим ҳақида тақ-лифлар киритишдир. Мат-буотимизда эса суриштирув деяр шахсининг дахлсизлиги-ға тажовуз қоллари ҳам уч-рамоқда. Андижон шаҳри, Фарғона вилояти ҳокимла-рининг ишчи йиғилишдаги сўқинишлари, телефон-даги аудиоёзуви журналис-тар томонидан интернет сайтлари ва ижтимоий тар-моқларда омалаштирилди, муҳокама қилинди, обрў-сизлантирилди. Бу ҳам камлик қилгандек, омма олдига узр сўраш, лавози-мининг тарк этиш каби маж-бурий талаблар қўйилди. Жамиятнинг маълум қатла-ми эса бу чакирки ва та-лабларни қўлловчи постлар қолдира бошлади. Албатта, раҳбарларнинг маънавий кифасига жамият бефарқ қаролмайди. Лекин матбу-от шахсининг шаъни билан боғлиқ яширин суратға ёзиб олинган овозини ошқор қилишға, омалаштиришға ҳақлими? "Айбдор" деб та-рифланаётган шахсға шарт қўйишға ҳаққи борми? Ма-саланинг ҳуқуқий томонла-ри қонунчиликда қандай меъёрланган? "Ахборот эр-кинлиги" принциплари ва қафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига би-ноан: "Жисмоний шахслар-нинг розилигисиз телефон-даги сўзлашувларини қайта ишлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланишға йўл қўймай-ди", дейилган. Афсуски, амалдаги қонунларда йиғи-лишдан ёзиб олинган сўзла-шуш масаласида ҳеч гап йўқ. Демак, тақиқланмаган

бўлса, рұхсат этилгани шу, деб тушуномқ керакми? Шундай бўлса, эртаға уйин-гизға яширин камера ёки микрофон ўрнатиб, ундаги тасвир ва овозини ҳам тар-қатиш мумкин бўлиб қол-майди?

Назаримизда танқидий-таҳлилий мақола ёки жур-налистик суриштирувда очикланаётган далиллар мавжудлигининг ўзигина етарли эмасдек туюлади. Бундай очиклик, фош қилувчи ахборотни соғлом фикр, қонун меъёрларига риоя қилган ҳолда қабул қилувчи омма, унга хозир-жавоб муносабат билдирув-чи давлат идоралари ҳам тайёр бўлиши лозимға ўхшайди.

Бир неча йил аввал дўли-лар эски шипа бутилкалар-ни йиғайтгани назаримизни тортди ва унинг кетиға туш-дик. Бир қарашда мавзу журналистик суриштирув учун эмасдек, эди. Ахир мансабининг суистеъмол қилаётган, коррупция-лашган не-не идора ва раҳ-барлар, даромадини солиқ-дан яшираётган қанчадан-қанча "тадбиркор"лар тур-ганда маҳаллама-маҳалла юриб, бутилка йиғайтган дўли мавзуси аризмасдек ту-юларди. Аммо журналистик суриштирув мавзуси жамия-тта нечоғли фойдалилиги билан муҳим. Охир-оқибат бу мавзу йирик коррупци-он дуррухларини шу пайтгача-яшириб келаётган қону-ний фаолиятини фош этди.

Албатта, битта овозини яширинча ёзиб олиб, ошқор

қилиш осон ва гўё "шов-шувли". Ҳақиқий суришти-рув эса изланиш, ўрганиш, таққослаш, ахборот йиғиш-даги машаққатлар, раҳбар-лар билан тўқнашув ва ни-ҳоят эълон қилиш қийин-чиликлари каби йўлни бо-сиб ўтади. Бундай йўлга ҳамма журналист ҳам ё кас-бий малака жиҳатдан тай-ёр эмас ёки машаққатдан қочади-да, осон йўлни та-налайди.

Ҳар қандай журналистик суриштирув оддий бир во-қеалик, аризмасдек туюлган ахборотдан бошланади, ас-лида.

Тажрибада ҳўжалик кор-хонаға топишган сутнинг пуллини ололмаётгани орти-дан давлат миқёсида кор-руция ҳаракатлари ётгани фош қилинган. Аслида, журналист "ҳа, шунга нима

бўпти, сут заводи ҳисобида маблағ узилиб қолгандир, бутун бўлмаса эртаға тўлай-ди-да", деб бефарқ ўтиб ке-тиши мумкин эди. Лекин мавзуға чуқурроқ кириб бо-ришгани сарри бу ҳолат, унинг ортида мамлакат иқтисодиёти, валюта сисе-ти, энг муҳими, ижтимоий вазиятға ҳам жиддий зарар келтирувчи "машина"ға дуч келинган. У шу қадар қуд-ратли эдики, дастлаб жур-налистнинг ўзини "ёлғон ахборот тарқаткич"га айб-лаб ишдан четлатган. Дав-лат раҳбари ишончидаги бир мансабдорнинг жасора-ти туйғайлигига мавзу қайта ўрганилиб, адолат қарор топган: журналист вазифа-сига тикланиб, юқори ман-сабли айбдорлар жоэалан-ган, муаммо қонуний ҳал этилган.

Бизнинг электрон манзил: jurnalistlar.uyushmasi@yandex.ru

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист
ЎЗА

Қут ва барака — дўстона муносабатларда

► ШАРХ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратаётганини таъкидлади. Юртбошимизнинг "Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. инч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона мурося асосида ҳамкорлик қилишга тайёرمىз", деган сўзлари бугун ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Чет эллик экспертлар Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг энг муҳим ютуқлари сифатида қўшни мамлакатлар билан чегара масалаларининг ҳал этилишини эътироф этишмоқда. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимизда ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, қўшни мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бу мақсадлар 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топгандир. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди. Утган қисқа вақтда бу борада тарихий қадамлар қўйилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва умумий манфаатларни қўллаш тамойилларига асосланган муносабатлар изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Савдо-иқтисодий муносабатларни яхшилаш мақсадида ўтган йил апрелида Душанбеда илк марта Ўзбекистон махсулотлари кўргазмаси ўтказилди. Жавоб кўргазмаси Тошкентда октябр ойида бўлиб ўтди. Душанбеда бўлиб ўтган кўргазмада Ўзбекистоннинг 160 дан кўпроқ компанияси 1500 дан кўпроқ номдаги махсулотларини тўрт кун давомида намойиш қилганди. Кўргазма ва икки давлат тадбиркорлари иштирокидаги форум натижаларига кўра 35 миллион доллардан кўпроқ қийматга эга бўлган 20 га яқин шартнома им-

золанган. Кўргазмага ташриф дўш-кўшнинг Президент Шавкат Мирзиёевнинг энг муҳим ютуқлари сифатида қўшни мамлакатлар билан чегара масалаларининг ҳал этилишини эътироф этишмоқда. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимизда ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, қўшни мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бу мақсадлар 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топгандир. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди. Утган қисқа вақтда бу борада тарихий қадамлар қўйилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва умумий манфаатларни қўллаш тамойилларига асосланган муносабатлар изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Савдо-иқтисодий муносабатларни яхшилаш мақсадида ўтган йил апрелида Душанбеда илк марта Ўзбекистон махсулотлари кўргазмаси ўтказилди. Жавоб кўргазмаси Тошкентда октябр ойида бўлиб ўтди. Душанбеда бўлиб ўтган кўргазмада Ўзбекистоннинг 160 дан кўпроқ компанияси 1500 дан кўпроқ номдаги махсулотларини тўрт кун давомида намойиш қилганди. Кўргазма ва икки давлат тадбиркорлари иштирокидаги форум натижаларига кўра 35 миллион доллардан кўпроқ қийматга эга бўлган 20 га яқин шартнома им-

золанган. Кўргазмага ташриф дўш-кўшнинг Президент Шавкат Мирзиёевнинг энг муҳим ютуқлари сифатида қўшни мамлакатлар билан чегара масалаларининг ҳал этилишини эътироф этишмоқда. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимизда ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, қўшни мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бу мақсадлар 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топгандир. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди. Утган қисқа вақтда бу борада тарихий қадамлар қўйилди.



кин. Ўзбекистонда бугунги кунда Тожикистон капитални яқинлаштиришда 24 та корхона фаолият кўрсатмоқда, улардан бири — 100 фоизлик хорижий инвестицияга эга. Ўз навбатида Тожикистон ҳудудида Ўзбекистон резидентлари иштирокида 9 та корхона ташкил этилган. Тожикистонлик иқтисодий шарҳловчи Сафар Нуралӣ Ўзбекистон иқтисоди ва компаниялари Тожикистон билан савдо-сотиқ қилиш учун пухта тайёрланганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз минтақалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Масалан, ўтган йил сентябрда Турсунзода шаҳрида Тожикистон Мустақиллик кунига бағишланган тантанали тадбирларда Сурхондарё вилояти делегацияси иштирок этди. Ундан бир ҳафта аввал Турсунзода ижро ҳокимияти вакиллари Термизда Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этишганди.

Ўтган йили Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббий маркази ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг сил касаллиги бўйича мутахассислар гуруҳи Тожикистонда бўлди. Илк бор Ўзбекистон ва Тожикистон физиотерапевт-мутахассисларининг учрашуви ўтказилди. Тожикистон ИИВ вакиллари Ўзбекистон ва Тожикистон ички ишлар вазирликлари мувофиқлаштирувчи гуруҳининг илк мажлисида иштирок этиш учун Тошкентга келишди.

«Биз жуда катта сиёсий воқеа арафасида туримиз. Мен буни тарихий воқеа дея атаган бўлардим. Тез кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга давлат ташрифи амалга оширилади», — дейди Тожикистон элчиси. «Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи қадим-қадимдан давом этиб келаятган икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқалари тарихида янги

саҳифа очади. Ўзбек ва тожиклар аслида икки тилда сўзлашувчи бир халқ. Бизни ўзаро ажратиб турувчи жиҳатлар йўқ, халқларимизни бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг тафаккури, турмуш тарзи, эътиқоди ва қарашлари ҳам муштарак. Турмуш тарзини, урф-одатларимиз, маданиятимиз бир, ўз еримизга, ўз тарихимизга, ўз қўшниларибизга бир хил муносабатда бўламиз» дея қайд қилди Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқуллоҳ ва мухтор элчиси Содиқ Имомий.

Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага олиб чиқишига шубҳа йўқ. Унда имзолашадиган ҳужжатлар халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга, ўзаро борди-келдиларга кенг имкониятлар яратишга ҳисса қўшади. Виза режими соддалаштирилишига бўлган интилишлар ҳам шундан далолат беради. Хар икки мамлакат фуқароларининг бемалол борди-келдишини йўлга қўйиш мақсадида транспорт йўналишларини очиб ҳам қўзда тутилмоқда. Умуман олганда, мавжуд коммуникация имкониятларидан самарали фойдаланиш учун барча ишлар амалга оширилмоқда. Ҳамкорлик масаласида имкониятларимиз жуда ҳам катта. Яқин икки йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажмининг ярим миллиард долларга чиқариш қўзда тутилмоқда. Ўйлайманки, бу ҳали чегара эмас. Ҳам Ўзбекистон, ҳам Тожикистон сўнгги 20 йил мобайнида иқтисодий соҳада катта ютуқларни қўлга киритди.

«Мен, Ўзбекистонда элчилик фаолиятини бошлаганимдан бери, мамлакатингиз қўлга киритган катта-катта ютуқларга қувват бўлдим. Иқтисодий соҳада муваффақиятлар, соҳада пайдо бўлаётган янги-янги имкониятларни бевосита ўз кўзим билан кўрайман.

Ўзбекистон махсулотлари жаҳон бозорини забт этмоқда. Ишонч билан айта оламаник, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланиши яқин келажакда юқори кўрсаткичларга эришади. Ўтган йили Тошкентда Тожикистон маданият кунлари, Душанбеда эса Ўзбекистон маданият кунлари ўтказилди. Ҳеч бир муносабатсиз, айтиш керакки, бу тадбирлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик байрамига айланиб кетди. Анжуманларда ҳар икки халқ бир-бирларининг миллий мусика санъатини нечоғли юксак кадрлаш яна бир бор намойён бўлди. Тошкентдаги Тожикистон маданият кунлари тадбирида иштирок этар эканман, халқларимиз бир-бирларини жуда ҳам соғинганларига бевосита гувоҳ бўлдим», — дейди Тожикистоннинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонаси раҳбари.

Унинг айтишича, дипломатларнинг, давлат идоралари раҳбарларининг олдида турган муҳим вазифа — халқларимиз бир-бирларига кучок очиб боришларига, янада мустаҳкам ўзаро мулоқот қилишларига ҳисса қўшишдан иборат.

Элчи жаноблари таъкидлаб ўтгандек, «биз ёшларга, ўсиб келаётган ёш авлод онгига асрлардан асрларга мерос бўлиб келаётган ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ғояларини сингдиришимиз керак. Бу масалада ОАВнинг роли жуда ҳам катта. Тожикистон ОАВларида дўст Ўзбекистонда юз бераётган оламшумул воқеаларга катта эътибор қаратишмоқда. Буларнинг ҳаммаси дўстлик, яхши қўшничилик асосида ёритилмоқда. Мисол сифатида айтганим бўлсам, яқинда 23 ёшли Ўзбекистонлик футболчилар Осиё чемпионатида финалга чиқди. Тожикистондаги иккита телеканал мана шу мусобақаларни тўғридан-тўғри намойиш қилди. Тожикистонликлар, тожик халқи Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг шодлигини худди ўзиникидек билди, биргаликда баҳам кўрди.

Тожик ва ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик, бу кечагина пайдо бўлган гап эмас, балки асрлар давомида яшаб келаётган ҳақиқат. Битта дарёдан сув ичадиган бу икки халқнинг анъаналари ва урф-одатлари ўртасидаги ўхшашлик эътироф этилади. Мамлакатларимизни яқинлаштириш ва кўп қиррали шерикликни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ҳамкорликдаги ишлар Ўзбекистон ва Тожикистоннинг кўп миллатли халқлари манфаатига хизмат қилмоқда, бу халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

► БУ ТУРФА ОЛАМ

«АҚЛИИ» КУРТКА

Финляндиянинг «Nokia» компанияси Барселонадаги «Mobile World Congress — 2018» кўргазмасида «ақлий» кurtкани тақдим этди.



«CHASE LifeTech FR» деб номланувчи куртка «Nokia» ҳамда Жанубий Кореянинг «Kolon» кийим-кечак бренди ва Чехиянинг «GINA» дастурий таъминот ишлаб чиқувчи компанияси ҳамкорлигида яратилган. Куртка хавфсизлигини таъминлаш ва организмнинг турли кўрсаткичларини метрда ушлаб туриш учун биринчи ёрдам гаджети сифатида тақдим этилди.

Куртанинг энгилари ва ёқасида юрак уриши, ҳароратини ва ҳаракат фаоллигини кузатиб туривчи датчиклар жойлашган. Турпанган ахборот махсус базага юборилади. У ерда маълумотларга аниқ вақт режимида ишлов берилади. Қандайдир аномал кўрсаткичлар акс этган тақдирда, куртка худди билан реакция кўрсатади.

Ушбу «ақлий» куртка қўтқарув хизмати ходимлари, полициячилар ва ҳаёт учун хавфли бошқа касб вакиллари учун фойдали бўлиши айтилмоқда. Яқин бир-бир ярим йил ичида ишлаб чиқарувчилар куртанинг истеъмолчилар учун мўлжалланган версиясини ҳам яратишни режалаштирган.

АДЕЛЬ ПИНГВИНЛАРИ ТОПИЛДИ

Халқаро олимлар гуруҳи Антарктида-нинг кам ўрганилган ҳудудда



Адели пингвинларининг «колонияси»ни топишди. Ушбу чегараланган майдонда 1,5 миллионга яқин пингвин борлиги аниқланди.

Биологлар уни пингвинларнинг материк бўйлаб миграциясини назорат қилиш орқали топи. Популяция Жейнжер оролларида жойлашган бўлиб, уларни аниқлашда олимларга космосдан олинган суратлар ёрдам берди.

Худудда 750 мингдан ортиқ уялар борлиги маълум бўлди. Ҳисоб-китобларга кўра, Жейнжер оролларида шу турдаги пингвинларнинг 55 фоизи ашайди. Эндilikда мутахассислар иккинчи ўзгаришлари пайтида мазкур ҳудудни ҳимоя қилиш зарурлигини таъкидламоқда.

ҚАРОРНИ РОБОТ ҚИЛУВ ҚИЛАДИ

Роботлар йилдан-йилга ҳар соҳага тобора кўпроқ кириб бормоқда. Эндilikда корхона, ташкилотларда кадрлар бўлимининг



ишнинг ҳам улар бажарилган кўринади.

«JungleJob» рекрутинг агентлиги асосчиси Евгений Дворскаянинг маълум қилишича, 3-5 йилдан сўнг тизим тузиқ автоматлаштирилиши мумкин. Унинг сўзларига кўра, қақирувлар маркази ходими мутахассислиги учун номзодларни оммавий саралаш аллақачон роботлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Келажакда роботлар кишиларнинг минимакси, ижтимоий тармоқларда ўзини тутиши ва бошқа ҳужжатларга қараб, компаниялар учун номзодларни танлайди.

Қизиги, машина томонидан баҳоланган натижаларни кўриб чиқиш бир дақиқа вақт олар экан. Бу орқали кадрлар билан шугулланувчи бир нафар ходимга бир йилда тўланадиган 500 миллион рубль ва ходимнинг бир ойда сарфлайдиган 88 соат вақти тежаб қолганини мумкин.

Демак, қарорни машина қабул қилади, бу айти пайта меҳнат бозорига қўйилаётган янгиликлардан бири.

Интернет материаллари асосида Х.АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 1995 йил 23 февралда «А.А.Буджаҳор» корхонасига берилган 305-сонли мулк ҳуқуқни тасдиқловчи Давлат ордери ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

Тошкент шаҳри Сергели туманида жойлашган 237-сонли умумий ўрта таълим мактаб томонидан Ибрагимов Дурдона Бахтиёр қизига 2009 йилда берилган 10 УН4610803 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент педагогика коллежи томонидан Адилова Саодат Суннатова номига берилган К №554304 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент педагогика коллежи томонидан Тажжибаева Шаҳноза Абдуллаевна номига берилган К № 277108 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Паркент туманида жойлашган Примов Маҳмудга тегишли Гулистон МФЙ Наврўз кўчасидаги уй-жой кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида жойлашган, Закиров Зухрага тегишли Оқ олтин 3 проезд 26 уй-жой кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси Илёс Олимовга тегишли бўлган 2676 рақамли рейтинг дафтари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



«ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ ЖАМОАСИ

8 МАРТ — Халқаро хотин-қизлар кuni
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗ АЁЛАРИНИ ЧИН ЮРАКДАН
МУБОРАКБЕД ЭТАДИ!

УШБУ ҚУВОНЧЛИ КУНЛАРДА ГЎЗАЛ АЁЛАРИМИЗГА ЎЗОҚ-УМР,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ, ЁРҚИН БАХТ-САОДАТ, ОИЛАЛАРИГА
ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК ТИЛАЙДИ. ВАТАНИМИЗНИНГ ОСМОНИ ДОИМО
МУСАФҲО, ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИ ЧАРОҒОН БЎЛСИН,
ҚАЛБЛАРИНГИЗ ДОИМО ҚУВОНЧГА ТЎЛСИН!

Ҳурматли юртдошлар!
Байрам муносабати билан
«ТРАСТБАНК»
хусусий акциядорлик банки
гўзал хотин-қизларимизга осон ва қулай шартлар
асосида
«ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТ»ларини
тақдим этади.

«ТРАСТБАНК» — ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ!

Истеъмол кредитлари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, товарлар ва хизматлар учун миллий валютада ажратилади.

Истеъмол кредитини расмийлаштириш учун банкнинг барча филиалларига ёки батафсил маълумот олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:
(+ 998 71) 244-14-53; (+99871) 140-00-88
www.trustbank.uz

Хизматлар лицензияланган

Reklama

ХОТИРА ЎРНИДА



Мирпо'лат Мирзони кўпчилик шоир, публицист ва таржимон сифатида яхши танилди. У айниқса, "Hurriyat" газетасининг фаол муаллифларидан бири эди. Афсуски, Мирпо'лат Мирзони бугун ораимизда йўқ. Яқинда мухбиримиз ижодкор билан навбатдаги материални тайёрлаган эди.

Сўхбат давомида Мирпо'лат ака ҳассос шоир Миртемир домла ҳақида ҳам мақола ёзиб беришга ваъда бериб, биз билан хайрлашган эди...

Эътиборингизга ушбу сўнгги сўхбатни ҳавола этамиз.

ҲАҚИҚАТ ДАРҶАСИ

— Мирпо'лат ака, сиз яхши шоир ва публицист бўлиш билан бирга, таржимон сифатида ҳам адабиётда ўз ўрнини эълон қилган. Жумладан, жажон шоирларидан қилган таржималарингиз "Сомон йўли чечаклари" (2004) ва "Сайра, дўмб-рам" (2005) номи билан чоп этилди. Сизни таржима билан мунтазам шуғулланишингизга нима даъват қилади?

— Таржима, албатта, захматлиб иш. Пушқин "Шоир қароқ таржима қилса, кўпроқ ўз шеърларини ёзди", дея таърифлаган. XX асрдаги машҳур эстон шоирларидан бири эса, айрим жажон адабиёти намуналарини эстон тилига таржима қилинмаганлигидан хижолат чекаман, деган. Ва уларни ўзи таржима қилишга киришган. Мен кўпроқ ана шу шоирнинг ақидасига амал қиламан, шекилли.

Қолаверса, таржима билан талабалар йилларимдан шуғулланаман. 5-курсни тугатаётганимда диплом иши ёзиш учун Навоий номи кутубхонада ойлаб ўтиришга тўғри келган. Мен ўшанда кўп вақтнинг ўзига Сулаймон ва Евгений Евтушенко шеърларини таржима қилишга сарфлаганман.

— Нима учун, айнан, ўша шоирларни?

— Чунки улар ўша даврда шоир сифатида афсонавий шухратга эга эдилар.

— Шеърларда шунақа шухрат қозониш мумкинми?

— Бўлмасам-чи, мен ўзим бунинг шохиди бўлганман. 1968 йили Тошкентда катта шеърят анжумани ўтказилган. Бу анжуманга Расул Ҳамзатов, Евгений Евтушенко, Роберт Рождественский, Ўлжас Сулаймонов каби шоирлар ҳам келишган. Ўша даврда Евтушенко шухратли хозирги энг машҳур футболчининг ёки хонанданинг шухратидан юксакроқ эди.

У билан "Билимлар уйи" (хозирги Ўзбекистон давлат Рус академик драма театри биноси)да ижодий учрашув ташкил қилинди. Кириш пуллик эди. Шунга қарамадан, мухлислар ёпирилиб келишган. Одам тирбандлигидан бинонинг ойнаванд эшқлари чил-чил синганини ўз кўзим билан кўрганман. Учрашув 3 соатдан кўп давом этган. Сентябрь ойи эди, ичкарида ҳаво димлигидан бир муҳлиса киз ўзидан кетиб қолган. Уни сахна ортига қўлма-қўл кўтариб ўтказишган.

— Шеърларнинг бу қадар кучи, жозибаси нимада эди ўша даврларда?

— Евгений Евтушенко бундан 4-5 йил аввал Англия телевидениесига берган интервьюсида: «Дунёда мен каби машҳур шоир бўлмаган, бўлмайди», деган. Мен унинг бу гапига ишонаман. Гап унинг бетакдор иктидоридангина эмас, давр ҳусусиятида ҳам эди. Чунки у даврда коммунистик мафкура ҳукмрон эди. Бу мафкурага тўғри келмайдиган ҳар қандай туйғу ёки фикр таъкибга дучор бўлар эди. Буни қарангки, ўша замонларда халқ ҳақиқатга бўлган ташналигини асосан, шеърят орқали қондирган. Ўша даврларда шеърятни ягона ҳақиқат дарчаси эди, дейиш мумкин.

Қолаверса, ўша даврларда одамларнинг идрокини банд этадиган турфа кўнгиллар машғулотлар, юрак ховурини оладиган ишқибозликлар ҳам эди. Юқорида номлари зикр этилган ижодкорлар инсон эрки чекланган ана шундай даврнинг исенкор шоирлари эдилар. Балки шу боис, менда уларнинг шеърларини таржима қилиш иштиғи тўғилган. Шу тарихка Евгений Евтушенко, Ўлжас Сулаймонов шеърларини биринчилардан бўлиб ўзбек тилига ўғирдим.

— Борис Пастернак шеърларини-чи? Ахир унинг номидаги халқаро мукофот соҳибисиз...

— Пастернак шеърлари алоҳида бир мавзу. Бунга илк туртки бир шоир дўстимизнинг айтган гапи бўлган. У тажрибали таржимон ҳам. Бир сўхбатда Борис Пастернак шеърларини ўзбек тилига ўғириб бўлмайди, деганди. Бунда у шоирнинг шеърятни тиланлиги ва мураккаб бадиятини назарда тутган бўлса, эҳтимол. Мен ўшанда шоир дўстимнинг бу ҳулосасидан росмана ажабланганман ва "наҳотки?!" дея, таржима қилишга киришганман.

Таржима жараёнида билимки, дўстимнинг гапига жон бор экан. Лекин мен жазимда давом этдим. Ишонасизми, ўша улуғ шоирнинг битта шеърини таржима қилиш учун бутун таътил вақтини сарфлаганман. Ўшанда кунига бир сатрдан таржима қилган эдим. Кейинчалик таржималаримдан намуналарни Андрей Вознесенский сўзи билан "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида эълон қилдирганман.

— Ҳозир жажон адабиётдан кўп-кўп таржималар қилинаётганини, лекин бизнинг асарларимиз эса жажонга чиқмаётганини?

— Бунинг сабаби адабларимизнинг истеъдоди камлигида эмас. Жажон билан бўйлашадиган ёзувчи ва шоирларимиз бор. Худога шукур. Уларни кўрсата билишимиз керак. Бу орзу вақт-соати билан амалга ошади, деб умид қиламан.

— Сиз шеърларингиз устидо қай тарзда ишлайсиз. Илҳом келди — ёзиб ташлайсиз, тамомчи?

— Йўқ, асло. Мен шеър устидо ишлашни устозим Абдулла Ориповдан ўрганганман. Унинг нафакат шеър ёки сатр устидо, балки ҳар бир сўз устидан қандай тер тўқанларининг шохиди бўлганман.

Шу боис қораламаларим тортмада қанча узок ётса, шунча мамнун бўламан. Чунки ҳар гал қаериндир тахрир қилишга эҳтиёж туяман.

— Ҳозир "модерн-шеърят" деган ибора урфга айланган. Бунда "юксак шеърят ана шу" деган замона ҳам бора ўхшайди... Сиз ўзингизни бу шеърятга қайсидир маънода дахлдор санайсизми?

— Асосан, XX асрда кенг қанот ётган бу шеърят тафаккурдаги янгликни ва фикрдаги жасоратни ўзида мужассам қилган мардонавор шеърятдир.

Лекин, мени кечирсинлар-у, баъзида кўпгина "модерн шеърят" вакиллари поэзиядаги янгликни ва жасоратни, асосан, сатрларни синдиришда кўрадилар. Билъакс, узун бир насрий жумлани синдириб-синдириб, мана сизга модерн шеър намунаси, дейишдан истиҳола ҳам қилмайдилар.

Аммо ҳақиқий модерн шеърятта кимлар дахлдор деганда, менинг ёдимга дафъатан Андрей Вознесенский ва Рауф Парфи сиймолари келади...

Ўзим ҳақимда эса... ўйлаб кўрмаган эканман...

Адиба УМИРОВА

МУАММО

«Иш бор жойда хато бор». Бу гап қулогимизга кўп чалинади. Тўғри, иш бор жойда турли хил камчиликлар учраб туриши табиий ҳолдир. Ҳар бир ишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, албатта. Лекин йўл қўйилаётган хатоларда ҳам муайян чегара бўлади.

Авваллари бадий асарлар, синф дарсликлари қайта-қайта тахрирдан ўтказилиб, китобнинг турли имловий, услубий ва маълумотлар билан бовдлик хатолардан ҳар томонлама холи эканлиги текширилиб, мукамал даражага келгандагина ўқувчилар эътиборига тақдим этилар эди. Агар китобларда турли хил имловий хатолар ёки мазмун жиҳатидан чалқашликларга йўл қўйилса, китобнинг охириги саҳифасига яна тарзида қайси саҳифада қандай хато кетгани ва ўша хатонинг адабий тил қондаларига мувофиқ тўғрилланган вариант бериб кетилар эди. Айтганимиздек, агар хатога йўл қўйилган бўлса...

Ҳозир-чи, хозир китобларимизнинг бадий савияси ҳамда имловий қондаларга мослиги қай даражада? Бир қарашда ўқувчиларга тақдим этилаётган дарсликлар умуман беникусондек кўринади. Аслида ҳам шундаймикан? Сўз исботи билан деганларидек, қуйидаги мисолларни келтирамиз:

2014 йилда нашр қилинган умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфлари учун дарсликни тараққий-миз. Адабиёт, қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашри. Маълумки, бунинг кўчириш қондалари умумтаълим мактабларининг бошланғич синфдаёқ ўргатилади. Бу китобда эса бунинг кўчиришда кўп бора хатolikларга йўл қўйилган. Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбекнинг «Кутлур кон» романидан олинган парчадан кўчирма: «Йўлчи билан бир кеча-кундуз бирга яшадиги у хужра...» (39-саҳифа) жумласидаги «хужра» сўзи «ху-жа» тарзида хато кўчирилган. Аслида эса бунинг «хуж-ра» тарзида кўчирилиши керак эди.

Китобнинг 43-саҳифасидаги «Хўжайин деган хизматкорни қизиктириш...» жумласида, «қизиктириш» шаклида, 45-саҳифадаги «жиҳозларга» сўзи, «жиҳоз-ларга» шаклида хато кўчирилган.

Китобда, бундай хатolikлар кўп. Бир ўйлаб кўринг, ўқувчи уйга беришдан тошпиринларни бажарётган вақтида, айтилаётган, ишро ёзаётган бўлса, қайсидир сўзнинг бунинг кўчирилишига қийналиб қолса ёки бир-бир сўзнинг имловий қондаларига мувофиқ қандай ёзилишини билмоқчи бўлса, албатта, ўзининг она

тили ва адабиёт дарсликларида кўмак истайди. Ваҳоланки, китобларда шундай хатolikлар бўлса, ўқувчи тўғри ёзишни қаердан ўргансин?


9-синф адабиёт дарслигида ўзбек шеърятига кўнгил дардлари суваратлари, руҳий изтироблар манзараси, армонга айланган орузлар инсон сезимларида қолдирган излар тасвири олиб қирган машҳур шоиримиз Абдулла Ориповнинг ҳаёт ва ижод йўли, шеърлари ҳақида анчагина маълумотлар бериб ўтилган. Китобда шоирнинг «Сароб», «Баҳор», «Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси...», «Куз манзаралари» ҳамда «Генетика» шеърлари келтирилган. Шеърларнинг сўнгидега эса одатдагидек, шоирнинг шеърятни таҳлил мавзуд. Ушбу бўлимдаги бир хатога кўз ташласак. А.Ориповнинг «Баҳор» шеърининг олинган: «Ра-вон йўллар қаринишда турибди мушток», — Дерди бизга ҳарф ўратган ёш бир муаллим...» жумласи (104-саҳифа) китобнинг 90-саҳифасидаги «Сароб» шеър 12-куплетининг 3- ва 4- қаторларида турганлигини кўрамиз. Бинобарин, тахрирда ушбу байтлар «Баҳор» шеърининг олинган дея келтирилган эди.

Инсонга маънавий озука берадиган адабиёт китобларимизни бир четга қўйиб, энди тил қондаларини ўргатадиган «Она тили» дарсликларида юзланамиз. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун «Она тили» дарслигида синтаксис бўлимининг барча турлари, ижодий матн ва ишро ёзиш қондалари бериб ўтилган.

Бу китобда ўз-ўзини инкор қилувчи бир қатор далилий маълумотлар билан бовдлик камчиликлар мавжуд: китобнинг 63-саҳифасидаги мураккаб от кесимларнинг тузилиши мавзуси. 1-топширик, 6-мисол. Улар беш кишидан иборат эди. Китобда ажратиб кўрсатилган бўлак от-кесим дейилган. Ҳақиқатан ҳам, жумлани таҳлил қилиб чиқсак, бунинг тузилишига амин бўламиз: Улар — бу ўринда эга, беш кишидан иборат эди — кесим. Чунки иборат эди сўзининг ўзи кесим бўла олмайди, иборат сўзи — дир кесимлик шаклига тенг. Агар беш сўзини от-кесим таркибига киритмасдан алоҳида олсак, «улар кишидан иборат эди» тарзида гап ўз маъносини йўқотиб қўяди. Шунинг учун аслида аниқловчи бўлган беш сўзини

ДАРСЛИКЛАРДАГИ

хатоларга Бефарқ бўлмайлук



от-кесим таркибига киритамиз. Худди шунга ўхшаш мисол «Воситали тўлдирувчи» мавзусида 93-саҳифадаги 201-машқнинг 2-мисолида беришган: Китоб икки қисмдан иборат. Гапда ажратиб кўрсатилган бўлак — воситали тўлдирувчи (?). Юқоридаги мисолдаги кишидан сўзи эса от-кесим таркибиди. Китобдаги таҳлил бўйича иборат — кесим, китоб — эга, икки — аниқловчи, қисмдан — воситали тўлдирувчи (?). Агар гапда иккинчи даражали бўлакларни тушириб қолдирсак, ушбу гапдаги грамматик асослар «**китоб иборат**» кўринишига эга бўлади, лекин биз буни гап деб ололмаймиз. Кесим мавзусида келтирилган қондаларга назар солсак: 1 кесим гапнинг асосий белгиларини кўрсатувчи энг муҳим бўлак бўлиб, гапда эга ҳам, иккинчи даражали бўлаклар (тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол) ҳам бевосита ёки билвосита кесимга боғланади. Қондалардан келиб чиққан ҳолда гапни таҳлил қиламиз. **Китоб икки қисмдан иборат.** Худди «Улар беш кишидан иборат» мисолидагидек, китоб — эга, икки қисмдан иборат — от-кесим. Яна шунга ўхшаш мисол китобнинг «Аниқловчи ҳақида умимий маълумотлар» бўлимида.

Биз юқорида атиги иккита дарсликдаги нуқсонларни мисол келтирдик, агар биринчи синфдан то академик лицей ва касб-хунар коллежлари дарсликларида бўлган китоблар синчиқлаб ўрганиб чиқилса, талай хатolikлар чиқиши аниқ. Бу йўл қўйилган хатolikларга бефарқ бўлсак, тилимизни ўрганишга бўлган эътиборнинг сусайишига қайсидир маънода биз ҳам айбдор бўлиб қоламиз. Айниқса, яхши ва сифатли китобларга талаб ва эътибор қучайган бугунги даврда бундай қўпол хатolikларга тўла китобларнинг ўқувчига тақдим этилиши, китобхона маъна зарар етказиш билан тенгдир. Шундай экан, нашр учун ҳурматли масъул мутасаддилар, миллий қариятларимизни, ватанимизни, она тилимизни ўргатишга, севишга пойдевор бўладиган китобларимизга бефарқ қарамайлук.

мот» мавзусидаги 203-машқда беришган (94-саҳифа). Китоб муаллифлари шунчалик лоқайдликларга йўл қўйишганики, машқда матн бериб, хатolik унинг мавзусини ҳам қўйиб, яна 1-мисол дея бутун бошли матнга тартиб рақами ҳам қўйишган. Матнида навбатдаги рақамлашлар йўқ.

Ушбу матидаги иккинчи гап: **Катта тўғрак икки қурулдан иборат.** Бу эрда ажратиб кўрсатилган бўлаклар аниқловчи қисобланади. Биз бу гапни таҳлил қилмадик, ҳулоса эса ўзинингга ҳавола.

Кўриниб турибдики, ушбу китоблардаги камчиликлар етарли даражада. Лекин бу келтирилган мисоллар дегиздан бир томчи. Бадий асарлардаги хатolikларга юқоридаги мақоланимиз қабилида иш тутиб, кечирдик ҳам дейлик. Лекин энди ўсиб-ўлғайиб келаётган, мустақил ва овоз Ватанимизнинг келажаги бўлган ёш авлодга таълим-тарбия беришда, уларни она Ватан, она тилимизни қадрлашга ва шу она тилимизни бекаму кўст ўрганишга пойдевор вазифасини бажарувчи она тили ва адабиёт дарсликларидаги йўл қўйилган хатolikларга кўз юмиб кетиб бўлмайди.

Жасурбек ТОҶИБОВЕВ,
ЎЗДЖТУ талабаси

БИР ФИЛЬМ ТАРИФИ

2014 йилнинг 2 мартда кино соҳасидаги энг нуфузли Оскар мукофоти топиралишининг 86-маросими бўлиб ўтди. АҚШ киноакадемиклари «12 йил қулликда» картинасини 2013 йилнинг энг яхши фильми деб топдилар.

Премьераси 2013 йилнинг 30 августидо бўлиб ўтган фильм АҚШ прокатидо 18 октябрдан пайдо бўлди, Россияда 12 декабрдан, Буюк Британияда эса 2014 йилнинг 24 январидан намоиш этила бошланган. Бюджети 20 миллион долларни ташкил этган, 133 дақиқалик фильм қисқа вақт ичида 180 миллион доллардан кўпроқ даромад келтирган.

Фильм Соломон Нортнинг «12 йил қулликда» ҳужжатли китоби асосида суратга олинган.

Ҳар келиб қолди, ме-муар муаллифи ҳақида озгина маълумот бериб ўтайлик.

Соломон Норт (1807-1863 йиллар) — Американинг шимо-лидаги Сарагога-Спрингс шаҳрида яшаган қора таили, саводли эркин фуқаро (ўша пайтлари мамлакат жанубида қуллик тизими ҳали сақланиб турарди), скрипкачи, фермер. У 1828 йили уйланади, тез орада фарзанд кўради.

1841 йили иккита қулжало-лоб уни иш бериш баҳонасида Вашингтонга тақдир қилади ва ушбу ҳолатда наркотик мод-далар бериб, ҳушдан кетказиб қўйишди. Сўнг Соломон шу ҳолатда Янги Орлеанга олиб келинади-да, Луизианадаги плантациялардан бирининг эга-сига янги иш билан қул қилиб сотиб юборилади.


Нортнинг эркин фу-қаро эканлигини айтишга ури-нади, бироқ бунинг эвазига

шафқатсиз қалтакла-нишларга, ҳўрланиш-ларга дучор бўлади. Хуллас, бир юмалаб ҳақ-хуқуқсиз қулга ай-ланиб қолган Соломон 12 йил бу азоб-уқубат-ни бошидан кечири-ди, бир неча маротаба қочишга уринади, аммо ҳар гал қўлга ту-шиб, аёвсиз жазоларга гирифторм этилади.

Нортнинг оиласи, дўстлари, Нью-Йорк штати губернатори кўмагида Норт 1853 йилнинг январь ойи-да озодликка чиқиб, уйига қайтиб келади.

Норт Вашингтонда-ги қулжалообларни суд-га беради, аммо ишни ютқа-ди. Зеро, ўша пайтларда амал-да бўлган қонунлар қора таили-нинг оқ таилига қарши гувоҳ-лик беришга йўл қўймади.

Шундан сўнг Соломон Нор-тнинг қулликда кўрган



Соломон Норт

қараганда, қулликка қарши аёвсиз курашишга айланган Соломон айнан қул савдогар-лари томонидан яна ўғирлан-ган ва ўлдириб юборилган... Хўш, бугун, XXI асрнинг ўн-тўртинчи йилга келиб, деяр-

ли 170 йил бурун рўй берган воқеалар нима учун сахналаш-тирилди, нима учун фильм бу қадар юксак эътирофларга са-зовор бўлди? Ахир «12 йил қулликда» картинаси Оскар-дан ташқари, Independent Spirit Award — мустақил ки-ночиларнинг беш мукофотини (энг яхши сценарий, режис-сура, операторлик иш...), Critics Choiceнинг бош муко-фотини, АҚШ продюсерлари гильдиясининг мукофотларини қўлга киритди ва бу рўйхат давом этмоқда. Булардан та-шқари фильм энг кўп ижобий тақрирлар олган картина си-фатида яна бир рекордга эри-шиб улгурди.

Яна бир янглик. АҚШ мактаб кенгашлари миллий ассоциацияси (NSBA) мамла-катнинг барча давлат мактаб-ларига «12 йил қулликда» фильмининг ўқув дастурига ки-ритилиши мажбурий этиб бел-гилади. Яъни бундан кейин юқори синфлар ўқувчилари-га Маккуинининг фильми на-моиш қилиниши билан бир-галикда Соломон Нортнинг китоби ҳам берилади. Бундан ташқари, китоб ва унинг эк-рандаги талқини ҳусусида алоҳида ўқув қўлланмаси чоп-этилади. Мазкур ташаббус би-лан чиққан таниқли телебош-ловчи ва актёр Монте Уиль-ямсининг сўзларига кўра: «Голливуд қизидан ҳам яхши асар яратар экан, бундай

кино қудратидан қучли таъ-лим омили сифатида фойда-ланишимиз лозим. Бу фильми Америка тарихининг шарман-дали даврини ҳаётий акс эт-тириб берган. Фильм ўқувчи-ларни ўтмиш хатolikларини тақ-ролламасликка ҳамда ёрқин келажақ ҳусусида орозу қилишга ундайди...»

Дарвоқе, бобо-момолари қуллар авлодидан бўлган ре-жисёр Стив Маккуиннинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Бу тарихий воқеа ҳаммаша долзарб бўлиб қолаверади. Атрофга қаранг ва сиз ҳар қадамда хали-хануз буткул йўқолиб кетмаган қулликнинг унсурларини кўрасиз...»

Суратга олиш ишлари 2012 йилнинг июнь ойида, бир пайтлар қуллик жуда авж ол-ган Луизианада Янги Ор-леанида бошланди ва икки ой давом этди. Соломон Нортнинг ролини ижро этган актёр Чиветел Эжнорф эслайди: «Суратга олишнинг биринчи кунин пах-та даласига чиқдик; 42 дара-жа иссиқ, соя жойининг ўзи йўқ эди. Мен бунақанги ис-сиқда қандай қилиб ишлаш мумкинлигини тасаввур ҳам-этолмадим. Бироқ айти пайт-да қаҳрамоним айнан қандай шароитларда итисиз азоб-ларини бошидан ўтказганлиги-ни хис қила бошладим...»

Келинг, актёрнинг ушбу дил сўзларини таянч нуктаси

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН:
“HURRIYAT” МЕҲМОНХОНАСИ



Ўзбекистоннинг
Ҳиндистондаги
Фавқуллода ва
мухтор элчиси,
Ўзбекистон
Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси
Фарход АРЗИЕВ
билан суҳбат

— Фарход ака, сизни нафақат дипломат, балки ўз сўзи ва услубига эга ижодкор сифатида ҳам яхши таниймиз. Сизнинг “Елеизлик ранглари” китобингиз, “Ўзбек модери шеърлари”, “Ешлар китоби” ва “Муҳаббатнома” тўпламларига кирган шеърларингиз ўқувчилар қалбидан жой олган.

— Билсангиз, бўзимча ҳаяжон, мен ишлаб айтмоқчи эдим бу сўзни деб бошланувчи шеърингиз “Ассалому алайкум, Яшил дарвоза! Ассалому алайкум, Ватан!” деган мисралар билан ниҳоятдан. Биз ҳам суҳбатимизни Ватан туйғуси ҳақида сўз юритишдан бошламоқчи эдик. Аниқроғи, Ватан олдидан бурч ҳақида.

— Биз тугилиб ўсган еримизни “Она Ватан”, “Ота Юрт” дея ардоқлаймиз. “Киндик қони томган жой” тавсифини ҳам тугилиб ўсган маконимизга нисбатан қўлаймиз. Бунинг замирида ётган фалсафа шуки, ҳар қандай инсоннинг бирламчи ҳақиқати, энг аввало, унинг Ватанидир.

Биз қаерга борсак, бизни даставвал Ватанимиз орқали билишди: “Ўзбекистонлик”, “Ўзбек олими”, “Ўзбек дипломати”, “Ўзбек талабаси” ёки “Ўзбекистон фуқароси” дея тавсифланди. Шундай экан, Ватанга сизидилдан хизмат қилиш, унинг шаъни ва обрўсини доим баланд тутиш, бир сўз билан айтганда, юрта муносиб фарзанд бўлиш, ҳар биримиз учун, айниқса, биз дипломатлар учун олий бурч ва юксак шарафдир.

Жорий йилнинг 11 январда мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппарати ва хориждаги дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам дипломатлар ва элчиларнинг юртимиз ва халқимиз олдидан алоҳида масъулиятларини қайта-қайта таъкидлагани бежиз эмас. “Дипломатлик оддий касб эмас, балки инсондан жуда кўп фазилатларни талаб этадиган ноёб санъатдир. Дипломат ҳақиқий ватанпарвар, ўз юртининг чинакам фидойиси бўлиши керак”, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ватанга, эл-юртга хизмат қилиш аини баробарида машаққатлидир. Тарих доволари оша Ватан юқини доим фидокор ва мард инсонлар ўз елкаларидан опичлаб келган. Мен бундай инсонлар, буюк боболаримиз қосида доим тиз чўкаман, уларга эҳтиромим ва ҳавасим чексиз. Қанийди, улар қилган ишларининг қичиқ бир ҳиссасини амалга ошириш менга ҳам насиб қилса, деб доимо Яратгандан сўрайман.

Ватанпарварлик бу, энг аввало, қалбда бўлади. Хадисда айтилган, “Ватанини севмоқ иймондандир”, Тасаввур қилинг, агарки фарзанднинг ўз онасига фарзандлик меҳри ва муҳаббатни сунъий бўлса? Бу нечорлик даҳшатли фожиа бўлур эди.

Ижозатингиз билан яна бир фикрни қўшимча қилсам: мен олим Нурота туманининг тоғли қишлоғи — Тиконлида туғилиб воёга етганман. Ота-онам мактабда ўқитувчи бўлишган, ҳозир нуроний кексалик фаслида. Оллоҳ уларнинг умрларини зиёда қилсин. Уларнинг менга энг кўп айтган гаплари: — “Элнинг дуосини ол, қаришдан қўрқ”. Шу насихатлари доимо ҳаётимнинг беш тамойили.

— Президентимиз Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида, шунингдек, ўзингиз бош айтиб ўтганингиздек, яқинда дипломатлар билан бўлиб ўтган учрашувда, Ўзбекистоннинг хори-

ИНСОННИНГ ЭНГ ОЛИЙ ҲАҚИҚАТИ УНИНГ ВАТАНИДИР

жий давлатлардаги элчилари олдига қатор янги вазифаларни қўйди. Мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этиш, экспорт ҳажмини кенгайтириш ва саноат-ишчилик соҳасидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш истиқболлари ҳақида тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида, шунингдек, жорий йил 11 январдаги Ташқи ишлар вазирлиги тизими вакиллари билан учрашувда биз дипломатлар олдига аниқ вазифа ва топшириқлар қўйилди. Мамлакатимиз тараққиёти учун устувор аҳамиятта эга бирламчи йўналишлар белгилаб берилди.

Хусусан, Президентимиз дипломатик ваколатхоналар фаолиятини янгилаш ва ёндашув асосида ташкил этиш лозимлигини таъкидлаб, бунинг учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Биргина мисол, элчихоналарни республикамизнинг тегишли вилоятларига ва иқтисодиётимизнинг турли тармоқларига бевосита бириктирилган муҳим амалий қадам бўлди.

Биз вилоятларга бориб, у ердаги мавжуд имкониятлар ва эҳтиёжлар билан бевосита танишдик тармоқларнинг бутунги аҳоли ва ривожланиш истиқболларини ўргандик. Бу, табиийки, бизнинг ишимиз учун жуда фойдали “очиқ дарё” бўлди, дейиш мумкин. Жойлардаги ўрганишлар асосида биз ўз фаолиятимизнинг “йўл хариталарини” белгилаб олдик.

Ҳиндистон билан ўзаро муносабатларимиз ҳақида гапирганда, халқларимиз ўртасидаги яқин ва самимий дўстлик ришталари қадим тарихга эга эканини қайд этиш керак. Ушбу омил ўзаро ҳамкорлигимизни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

2017 йил июнь ойида мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппарати билан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида бўлиб ўтган учрашув ва унда эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларимизга янгилаш сифат бахш этди. Учрашув ақуларни бўйича тегишли “йўл харитаси” ишлаб чиқилган ва илҳам қилган оширилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот яқин ва дўстона характерга эга. Биз халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида фавол ҳамкорлик қиламиз, Трансҳегавий таҳдидларга қарши кураш борасида ҳам икки томонлама ҳамкорлик қўламиз кенг.

Маълумки, Ҳиндистон бутунги кунда дунёнинг жадал ривожланаётган давлатлари сирасига қиради, Мамлакат тиббиёт, фармацевтика, ахборот технологиялари, энгил саноат ва бошқа қатор соҳаларда катта натижаларга эришмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида аини йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Бундан ташқари, ўзаро сайёҳлик алмашинуви ҳам ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналишларидан бири, Ўзбекистонга келадиган хорижий сайёҳлар сони бўйича Ҳиндистон етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Маданиятларимиз ва урф-одатларимиз, ҳадритларимиз ўртасидаги ўхшашликлар, ўз навбатида мамлакатимизда туризм соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни вақтда биз “анибат туризм”, “Болливуд туризм” (ҳамкорликда кинолар ва машҳур санъаткорларнинг клипларини олиш), “анжуманлар туризм” каби қатор янги йўналишларни кенгайтириш устида иш олиб бораёмиз.

2017 йил декабрь ойида элчихонамиз ташаббуси билан Ҳиндистоннинг йирик телеканали “TravelXP” ижодкорлари Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатимизнинг сайёҳлик

салоҳияти ҳақида ҳужжатли фильм тайёрлашди. Мазкур фильм тез орада экран юзини қўради ва миллионлаб Ҳиндистонликлар ва бошқа давлатлардаги томошалар юртимизнинг гўзал ва бетакрор тарихий обидалари, урф-одатлари ва сўлим гўшалари ҳақида атрофлича ахборот олишади. Бу фильм рақамли канал орқали дунёнинг йиғирмадан ортиқ давлатига трансляция қилинади.

Шу билан бир қаторда, ўзаро савдо ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳиндистоннинг истеъмол бозори йирик ва салоҳиятли. Бу бизнинг мазкур мамлакатга турли қишлоқ хўжалик ва халқ истеъмоли молларини экспорт қилишимизга кенг имконият яратди.

Маънавий-матрифий соҳадаги муносабатларимиз ҳам илҳам ривожланиб бормоқда. 2017 йилда мамлакатимиздаги олий ўқув юрталари ва тахлилий марказлар билан Ҳиндистон илмий муассасалари ўртасида ҳамкорлик битимлари имзоланди. Ҳиндистондаги энг йирик университетлардан бири Джакия Миллида ўзбек тили ва маданияти маркази очилди. Бугун мазкур университетда ўттизга яқин Ҳиндистонлик талаба ўзбек тилини ўрганишмоқда.

Жорий йилда Ҳиндистонда Ўзбекистон маданияти кунлари ва кинофестиваллари ўтказиш режалаштирилган.

— Чиндан ҳам, халқларимизнинг дўстлиги узок тарихга эга. Мамлакатлараро қадимдан савдо қаровонлари қатнагани халқларимиз орасидаги илмий, маданият-маънавий алоқаларнинг ҳам ривожига хизмат қилган, албатта. Айтинг-чи, Ўзбекистон деганда Ҳиндистонликларнинг кўз олдига, аввало, нималар ёки қимлар келади?

— Ҳиндистонда бизни, энг аввало, яқин ва ишончли дўст сифатида билишди, ҳурмат қилишди. Бу муносабатни ҳамма жойда кўриш мумкин — расмий идоралар, ишбилармон доиралар ва кенг жамоатчилик орасида. Албатта, Ўзбекистоннинг мазкур мамлакатдаги элчиси сифатида мен бундан беҳад қувонаман, фахрланаман.

Бир кичик “сир”ни ошкор қилсам. Дипломатия протоколи қонун-қоидалари бўйича янги тайинланган элчи ўзи борган давлат раҳбарига ишонч ёрлигини топширганидан сўнггина мамлакатдаги вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан учрашши, расмий маросимларда қатнашиши мумкин. Одатда, ишонч ёрлигини топшириш жараёни бир қадар вақт олади. Қамнада ҳам шундай вазият бўлди. Лекин менга Ҳиндистондаги вазирликлар раҳбарияти билан зарур учрашувларни ўтказишда қандайдир “протокол чеклови” бўлгани йўқ. Шу биргина мисолнинг ўзи сизнинг саволингизга соддагина изох берса керак, деб ўйлайман.

Худди бошқа давлатлардаги каби Ҳиндистонда ҳам юртимиздан етишиб чиққан буюк аломатларнинг — Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Мирзо Улугбек, Бобур ва бошқа кўплай илм-матрифат ва ижод аҳлининг дунё тамаддуни тараққиётига қўшган ҳиссаси самимий эътироф этилади.

Маълумки, буюк бобомиз Абу Райхон Беруний неча асрлар муқаддам “Ҳиндистон” китобини битган эди. Мазкур китоб Ҳинд халқининг қадимий тарихи, урф-одатлари ва турмуш тарзи ҳақида бебаҳо маънабдир. Дейлик, шахрисабзлик Хусрав Дехлавий Ҳинд адабиётида алоҳида ўрин тутишини ҳам сиз яхши биласиз. Бу инсон Ҳиндистонда “Хамса”навислигини давом эттирган.

— Бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари орасида умрбоқий кўпирк яратди. Ҳинд режиссёр ва актёрлари томонидан яратилган “Ахборишоҳ” ҳақиқатда фильмни биз ҳам севиб томоша қиламиз. Эшитишимизча, Бобур Мирзо ҳақида икки давлат ижодкорлари ҳамкорлигида фильм

яратилиши режалаштирилган экан. Бунда элчихонамизнинг қандай ҳиссаси бўлади? Умуман, фильм сценарийси ва жанри, мақсади ҳақида маълумот бера оласизми?

— Дарҳақиқат, Ҳиндистонлик киноижодкорлар билан шундай иш режалаштирилган. Афсуски, аини босқичда бу масала ҳақида батафсил ахборот бера олмаيمان, негаки, музокаралар жараёни давом этапти. Тижоратда айтилади-ку, “тижорий сир” деб. Шунга ўхшаш, ҳамма нарсани айтиб қўйиб, лойиҳанинг жозибасини йўқотмайлик дейман-да.

Бунда элчихонанинг роли нимада? Биринчидан, биз Ҳинд киноижодкорларига мазкур фильмни Ўзбекистонда, Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан биргаликда олишни таклиф этдик. Негаки, аввалбошдан, фильм Ҳиндистон худудида суръатта олиниши режалаштирилган. Иккинчидан, биз мазкур Ҳиндистон кинокомпанияси билан “Ўзбекино” Миллий агентлиги ўртасида ижодий алоқа ўрнатилди бир воситачи бўлаёмиз.

— Элчихона бобурийлар даври подир қўлғемаларини топиш, аниқлаш, уларнинг нусхаларини юртимизга олиб келиш борасида қандай амалий ишлар қилаёти?

Ҳиндистондаги кутубхона ва музейлар биз учун ҳам у ёки бу маънода катта қадр-қимматга эга маърифий “хазина”га бойдир. Хабарингиз бор, ўтган йили мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев хорижий мамлакатларда миллий меросимизга оид артефактларни, қўлғемаларни кенг ўрганиш, уларнинг каталогини тузиш, аслияти ёки нусхаларини юртимизга олиб келиш борасида бир қатор вазифаларни белгилаб берганди.

Биз ўз фаолиятимизда ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратимиз. Бу борада мамлакатларимизнинг турли олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари ўртасида ҳамкорлик давом этмоқда.

Масалан, ўтган йил Ҳиндистон томони мазкур мамлакатдаги Рампур кутубхонасида сақланаётган ва 1526 йилда ёзилган “Девони Бобур” қўлғемаси ҳамда Ҳиндистон миллий музейида сақланаётган бобурий шахзодалардан бири Дори Шикхоининг тўй маросими миниатюраси (1640 йилда чизилган) нусхаларини бизга тақдим этди.

Ушбу йўналишдаги ишларни биз жорий йилда ҳам фавол давом эттирмай. Яқинда Андижонда бўлиб, халқаро Бобур жамоат фонди раҳбари, фидойи инсон Зокиржон ака Машрабон билан учрашиб, у кишининг қимматли маслаҳатларини олдим. Биргаликда амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар хусусида ҳам атрофлича фикрлашиб, келишиб олдик.

— Хабарингиз бор, “Бобур ва дунё” журнали ўтган йилдан чоп этила бошланди. Мақсадимиз нафақат Бобур ва бобурийлар, балки барча улуғ аждодларимизнинг бебаҳо меросларини, қолаверса, бугунги кундаги илмий, маънавий ва маърифий янгиланган ҳаққимизни янада нуқурроқ хабардор этиб боришдир. Шу босис, сиз билан доимий ҳамкорликдан умидворимиз. Журналга тилак ёки маслаҳатларингиз...

— Саволга жавоб тариқасида Давлатимиз раҳбарининг Бобур ҳақида айтган қуйидаги фикрларидан иқтибос келтирсам: “... Мирзо Бобур бизнинг бобомиз, бизнинг қонимиз, бизнинг болалигимизга ГУРУП билан айтган буюк аждодимиздир”. Шундай буюк бобомиз меросини асраб-авайлаб, кенг тарғиб этишга хизмат қилаётган “Бобур ва дунё” журнали ижодкорларига қуч-қувват, тинчлик-омонлик ва янгидан-янги ижодий ютуқлар тилаб қоламан. Элчихонамиз журнал билан ҳамкорлик қилишга доимо тайёр.

Суҳбатдош: Ситора ТОЖИДДИНОВА

“Бобур ва дунё” журналининг
2018 йил 1-сонидан олинди.

ВА ОДИЛ ЁҚУБОВ

сифатида қабул қилайлик-да, “12 йил кулликда” фильмининг бевосита ва билвосита ўзимизга дахлдор бўлиб қўрилган айрим ўринлари борасида тўхталайлик.

Қартида қулар энг қийналган, машаққат чекиб ишлаган эпизодлар пахта териш билан боғлиқ. Сценарий муаллифи Жон Рид билан режиссёр Маккуин ишчи бошларидан олдин Американинг жанубий штатларида ўша пайтлари мавжуд қулчилик тизимини пухта ўрганишаркан, айнан пахта ишлаб чиқариш тўғрисида бу тизим вужудга келганлиги ва гуллаб-йишганлиги ҳақидаги хулосага келишди. Тасаввур этинг: XIX асрнинг ўрталари, техника йўқ, штатлар фаровонлигига хизмат қилаётган пахта ҳосили қўлда териб олинади. Ва шифатсиз эсплудатор, камчисидан қон томадиган қулдорлар мутлақо ҳақ-ҳуқуқсиз қулларга қулчилик норма белгилашди: кунига 200 фунтдан! 200 фунтдан-а!

Аммо... қуёш терак бўйи қўрилганда уйғотиладиган, рағмин қўшиқ айтиб (!) пахта тераётган қулларга ачинадиган шовмал турайлик. Инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия) кенг тарқалган бу оғирлик ўлчов бирлиги бўлган бир фунт, агар жуда аниқ айтилган бўлса, 0,45359237 кило-

грамм тенг. Демак, ҳисоб-ки-тобларга кўра қуллар учун қулчилик норма 90,71 килограммни ташкил этади. (Қавс ичида қўшиб ўтиб кетайлик, битта ўйинбузуки “дала маликаси”ни ҳисобга олмаганда (мана бу бизга жуда таниш атома қаердан келиб қолган экан!), шу норманиям бажаролмаган қул қанча: уларнинг кўрсаткичи 120-180 фунт (54-80 килограмм) атрофида, ҳатто бир янги қул 64 фунт




Чиветте Ёқубов
Саломон Нортин ролида

(28 килограмм) пахта теради, холос).
90 килограмм...
Бейхитёр ёдимга ўтган асрнинг саксонинчи йиллари келди. Куз. Биз, Тошкентдан “ок олтин” теришга келган талабаларга қулчилик норма 100 килограмм этиб белгиланди (“тушгача 60, тушдан кейин 40”). Шунча пахта теришга

мажбур эдик. Бу талабни ба-жармаган “халқ душманлари” кечки овқатдан кейин, трактор чироклари ёрувида яна пахта-зорга чиқардик. Тонг қоронғусида эса харбийча “Подъём!” бўйруғи...

Суриштириб билдик, кейинги даладаги маҳаллий теримчи аёллар орасида кунига 200-300 килолаб, ҳаттоки тўрт юз килолаб пахта тераётган “дала маликалари” кўпчилигини ташкил этаркан.



Чиветте Ёқубов
Саломон Нортин ролида

Бугун бўлса бутун дунё ахли “12 йил кулликда” фильмида 520 фунт (234 кило) пахта терган қул меҳнатидан фавқуллода қайратда! Фантастика бу! Мумкин эмас!.. Миллионлаб томошабилар қўларидан ёш билан манфур, мустабид колонизаторларни қоралаб ётибди. Тили қалимага келмай, лол

котган томошабинлар картинага муқофот устига муқофот бериб чарчашмапти: ахир, тўғри-да, тирик инсонни ҳам шунчалар қўрлаб бўладими...

Дарҳақиқат, “12 йил кулликда” фильми ҳар қандай юксак муқофотларга муносиб, биз бунинг учун яқкалла қўлимизни қўтариб овоз берамиз. Ило, ҳеч муволафасиз айтиш мумкинки, айнан ушбу картина жуда кўпларнинг кўзини очди, жуда кўпларни ҳаётга, инсон умрига тийракрок, сергакроқ ва ҳурмат билан назар ташлашга ўргатди...

Ваҳоланки, ушбу воқеалар юз берганидан сўнг орадан бир ярим аср ўтиб дунёнинг бошқа чеккасида, техника ривожланган (!) даврда, Ўзбекистон атамилки каттагина бир юрда ўз паспортига эга, гўёки конституция ҳимоясидаги эркак аёллар Жанубий Америка қулларидан аянчлироқ аҳволда, ёмонроқ шароитда меҳнат қилганликларини билишармикан бу кўнгилчан, серхиссиёт хонимлар ва жаноблар...

Фильмни томоша қиларканмиз, нечукдир қулқоқларимиз тағида яна бир ўтги сас янграётгандай бўлавердик. Ха, бу улуг адибимиз Оди Ёқубовнинг шўро даври интиҳоси ибтидоида, СССР халқ депутатларининг биринчи съездида сўзлаган, қорая бошлаган сокин осмонда ногўҳ чакнаган чакандек таасирот уй-

ротган оташин нутқи (Ахир ёдимизда-ку: “Саратоннинг жазирасида худонинг берган қуни ўн икки соатлаб қирт-қирт заҳмат чекиш, ҳатто, дам олиш қуларчи, байрам, таътил нималигини билмасдан тер тўкаётган дехқон... Офтобнинг заҳри туфайли, заҳарли химикатларнинг ҳудуд-беҳудда қўлланилиши туфайли рақ, ошқозон-ичак ва сариқ касалликлар, аёлларнинг қамқонлиги ва бошқа хасталиклар беҳад ўрчиди... Отам замонидагидай таппи қалаб, қозон қайнаташди... Қадди баста нечуқиб яшан урган қайишларни эсла-тувчи шу аёлларнинг барқайдай қорайган юзларида қўлимизга, қўларимизда беҳити-ёр ёш тирқиради... Қўзлари тўла мунг, армон ва ҳасрат...”). Келинг, кўпчилигини ўқитган, эшитган учун из-тироб ва аламга тўла маърузадан кичик бир иқтибос келтирайлик: “...Жанубий Америкадаги тошбаш оқ танли фермерлар тунган йўлни бир эслайликми-а. Улар пахта плантацияларида ўзлари ишлаганини иштамади, бу заҳматдан хотин, бола-чақасини ҳам ҳалос этиш учун, бориб Африкадан неча юз минг қора танли кишидан этиб, олиб келишди. Аммо адолат юзасидан шунга ҳам айтиш керакки, насл насобини пахта заҳматидан асраган ўша қаҳри қаттиқ фермерлар ҳам, келусида қулларидан соғлом, янги оғирини энгил қилаётган насл етишсин учун, уларни тўйдириб боққанган. Шунинг шарофатидаки, бўйи икки метрли қоратанли поляонлар дунёга келди;

уларнинг авлодлари бугунги кунда Америка спортининг, санъатининг ҳам гултожларидир!...” (Фитна санъати. 2-китоб. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Фан” нашриёти. Тошкент-1993. 4-бет).

Юрак қаъридан отилиб чиққан бу гапларга изохнинг ўзи ортиқча... Аммо барибир қўнгилни аламдан бир савол ўртаяверади: ўша... қуллардан ҳам хормиди бу эл... Ило ҳар нарсга муқоасада билинади...

У қулларнинг қўрқинчли туш қаби орда қолгани рост бўлсин...

Инсоният ўтмишга қараб келажак сари қадам ташлайди, дейишди. Голливуднинг навабдаги кинодурдонаси — “12 йил кулликда” фильмининг томоша қилинг, тарихимизнинг “энг кир, энг қора” қуллари қатори яқин кечмишимизни ҳам ёдга олинг... Оғир қулларни-ку, унутармиз, аммо улар берган сабоқларини унутиб бўларми?..

Бутун, одам савдоси авж олган, йиғирма биринчи асрнинг ўн тўртинчи йилига келиб ҳам Инсоннинг қул қаби ишти-лиши, қулдек ҳаёт кечтириши оддий ҳолга айланган, “оломон маданияти” хуружлари туфайли энгил ҳаёт, осмондан тушадиган бойлик, машаққат иста-тидаги лак-лак издиҳом маъна-вияти қулчиликдан ҳам баттар руҳий манкуртликка дучор бўла-ётган бир даврда яратилган бу фильм балки аини ушбу сабаб-омиллар туфайли биз учун яна-да ибратли ва қимматли бўлиб туяилди...

Абдуқайом Йўлдошев
2014 йил апрель

Агар ономаси
қайтган таълим.
Унга фратомас
ҳеч бир нуқалим.

Инсон бу дунёда ниманидир йўқотиш эвазига ниманидир топади. Сиз йўқотганингизга эмас, балки нимани топаганингизга аҳамият беринг. Йўқотганингиз балки сизнинг НАФСИНГИЗ, топаганингиз эса ХИДОТдир...

Яхши дўстлар бамисоли қолдуга ўхшайди. Бизни уларни кўра олмасангиз ҳам борлигини ХИС этиб турсаз. Бир дўстим “Ўзимдан ҳам кўра соямони кўраман”, — деганди. Сабабини ҳамон сизнинг НАФСИНГИЗ, топаганингиз эса ХИДОТдир...

Ишонч йиллар давомида қозонилди, йўқотиш учун бир омон кифоя. Дейлик, дўстинг қанчалар яхши бўлмасин, қуни келиб сени ранжитиб қўйиши мумкин. Сен эса, ҳар сафар кечира олишинг даркор.

Бир-биримизга доимо энг ширин сўзларни айтишимиз керак. Балки, уларни сўнгги бора қўриб тургандурмиз...

Фақат чой, кўрпа-ўрин, қўлқоп иссиқ бўлмайди, муносабатлар, мактублар, сўзлар ва таскинлар, дийдорлашув қаби ҳаётнинг бебаҳо онлари ҳам инсон қалбига иссиқлиқ олиб қиради... Бу МЕХР деб аталади. Айнан шу қуч бизни орзу қилмоққа, мақсадга интиломоққа, ҳаётни севишга ундайди.

Мансур ЮНУС

Зангиота туман «Diyora Fayz Gulshani» масъулияти чекланган жамият жамоаси



Биз ҳаётда дувижон, онажон, она-сингил,
севиқли ёр, деб ардоқлагувчи аёлларимизни
— Халқаро хотин-қизлар куни билан чин юракдан
қутлайди.

Ўнадонларимиз
фариштаси бўлган азиз
дувижонлар, онажонлар,
она-сингиллар!

Бахт, қувонч, гўзаллик
хамиша хамроҳингиз бўлсин!



HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЕВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда

Ахборот
ҳамкоримиз:
Ўзбекистон матбуот
ва ахборот агентлиги

Таҳририятга келган хатлар
доимий эътиборимизда бўлиб,
улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон:
(0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг
бўлими: (0-371) 244-32-91

Тошпириш яқти — 20⁰⁰
Тошпирилди — 18⁰⁰

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz; gazhurriyat@mail.ru

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Хуршид Марулов

“O‘zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.



Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси



Адади: 3970 Буюртма — V-1204

1 2 3 4 5

Индекс: яқса
обуначилар ва
ташкilotлар
учун — 233